

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Kўлёзма ҳуқуқида

**ТУРСУНОВ ОЙБЕК БОТИРОВИЧ
ЯПОНИЯДА СУД ТИЗИМИ**

5А380111- суд тузилиши; прокурор назорати; адвокатура
ихтисослиги бўйича ҳуқуқ магистри илмий даражасини олиш учун
ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

**Юридик фанлари доктори
проф. Рустамбоев М.Ҳ**

ТОШКЕНТ – 2007

М У Н Д А Р И Ж А:

КИРИШ

1-10

I БОБ.	ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ	11-39
§ 1.	Япония суд тизимининг шаклланиши	11-23
§ 2.	Японияда судлов жараёнининг ўзига хос хусусиятлари	24-34
§ 3.	Японияда одил судловнинг асосий тамойиллари	34-39
II БОБ.	ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИДА СУДЬЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	40-60
§ 1.	Японияда суд тизими	40-44
§ 2.	Японияда судьялар корпуси шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятлари	44-54
§3	Японияда судлар томонидан ўлим жазоси тайинлашнинг ва уни ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари	55-60
	ХУЛОСА	61-69
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	70-74

КИРИШ

Тадқиқот ишининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган "Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли маъruzаси мамлакатимизда давом этаётган ислоҳотлар жараёнининг янги даврини бошлаб берди.

Ҳокимиятнинг конституциявий асосда бўлиниш тамойили Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган. У Конституциянинг 11-моддасида "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади" деган қоидада акс эттирилган.

Ҳокимиятнинг конституциявий асосда бўлиниши тамойили жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг демократик тараққиёти жараёнида вужудга келган ва давлат ҳокимиятини амалга оширишда қўлланадиган энг изчил, самарали усул ҳисобланади.

Жаҳон давлатчилик назарияси ва амалиётида давлатнинг асосий функциялари сифатида қонунчилик, ижро ва суд фаолияти эътироф этилган. Уларнинг ҳар бири мустақил равишда тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилишида давлат ва халқ манфаатлари ўртасида ўзаро муштараклик намоён бўлади.

Президент Ислом Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъruzасида давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштиришнинг асосий вазифаларидан бири сифатида "ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш" масаласига алохида эътибор қараттан эди¹. Давлатимиз

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.8. - Т.: Ўзбекистон, 1999. – 144 б.

рахбарининг бу кўрсатмаси ҳокимиятнинг конституциявий асосда бўлиниши тамойилини янада ривожлантиришни ҳам назарда тутади.

Юқорида зикр этилган маъruzada мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари, жумладан, ҳокимият **бўлинишига** ҳам жиддий эътибор қаратилди. Маъruzada "Давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бу — қонунчилик ҳокимияти бўлмиш парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат" экани қайд этилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ижтимоий ислоҳотларнинг негизида асосий бош ғоя қилиб юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги мақсад қилиб олинган экан, шубҳасиз халқаро майдондаги тажрибаларни ўрганиш ва тегишли хulosалар чиқариш орқали бу мақсадларга осонроқ ва жадаллик билан эришиш мумкин.

Халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устуворлигини тан олган ҳамда унга оғишмай амал қилаётган демократик давлатлардан бири бўлмиш Япониянинг суд тизимини ўрганиш орқали *биринчидан*, миллий суд тизимини янада ривожлантириш имконига эга бўлсак, *иккинчидан* Япония суд тизими ҳақидаги тасавурларимиз халқаро ва миллатлараро дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига асос солади.

Давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш, инсон ва фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари механизмини яратиш борасида жаҳондаги етакчи давлатлардан андоза олишимиз билан бирга минг йиллардан бери шаклланган миллий урф-одат ва анъаналар, аждодларимизнинг бой меросини ўзлаштирган ҳолда жамиятимизни янада демократлаштириш имконига эга бўламиз.

Мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzасида “юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб,

ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш шу асосда ҳаётимизни қуриш[”]ни бугун изчиллик билан амалга оширилаётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўлининг қонунчилик негизлари учун асосий мезон сифатида таърифлаган эдилар.¹ Дарҳақиқат дунёнинг энг тарақкий этган давлатларидан бири саналмиш Япония давлатининг суд тизимини ўрганиш, уни таҳлил қилиш бугунги кунда суд тизимида ислоҳотлар олиб борилаётган бизнинг давлатимиз хуқуқий тизими ва хуқуқий фан учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистон ва Япония савдо, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг кўп асрлик тарихига эга. Бу ҳамкорлик айниқса, «Буюк Ипак йўли» гуллаб-яшнаган пайтда фаол ривожланган.

Бироқ мамлакатимиз ўртасида давлатлараро ва халқаро том маънодаги ҳамкорлик муносабатлари Ўзбекистон мустақилликка эришиб, миллий суверенитетини қўлга киритгандан кейингина ўрнатилди.

Япония суд тизимини, унинг шаклланиш тарихини ўрганишнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ўзбек ва япон давлатчилигининг вужудга келиши тарихчилар фикрича айни бир даврга тўғри келади².

Япония билан дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 26 январида ўрнатилди. Ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1994 йилнинг майида Японияга расмий ташрифидан кейин жадал ривожланиш палласига кирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил июлидаги Японияга навбатдаги расмий ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтиомий-маданий соҳалардаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва Япония Бош вазири Ж.Коидзиму Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларацияни ҳамда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирниш ва

¹ Каримов.И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтиомий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи, 2006 й. 8 дек.

² Тойноби А.Д.Постижение истории. - М.:1995

Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларига кўмаклашиш тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоладилар.

Япония 10 йилдан буён иқтисодий ва ижтиомоий ислоҳотларни изчил қўллаб-қувватлаб мамлакатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини мустахкамлашга, миллий тараққиёт жараёнига хар томонлама ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида Япония Ҳукуматининг Ўзбекистонга ажратган грантлари ва узоқ муддатли имтиёзли кредитларининг умумий қиймати 1 млрд АҚШ долларидан ошди.

Бундан ташқари, бу давр ичида Япониянинг энг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда муҳим сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш учун Япония халқаро ҳамкорлик банки жами 820 млн. АҚШ доллари миқдорида тижорий кредитлар ажратди.

Япониянинг таълим соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтиомоий соҳаларни ривожлантиришга кўрсатаётган беғараз ёрдами ҳам салмоқли бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Япония БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб, бир-бирини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистонда Япониянинг халқаро молия институтлари, биринчи навбатда, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик механизмлари орқали кўрсатаётган кўмаги юксак қадрланади.

“Ўзбекистон Ҳаво йўллари” Миллий Авиакомпанияси, МДҲ давлатларининг янги ташкил этилган авиакомпаниялари орасида биринчи бўлиб, Тошкент ва Асака шаҳарлари ўртасида кейинроқ эса, Тошкент-Токио йўналишида доимий ҳаво алоқасини йўлга кўйди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон-Япония ҳамкорлигига дунёning энг ривожланган мамлакатларидан бири билан, янги мустақил давлат

ўртасидаги дўстона, тенг хуқуқли ва ўзаро ишончли муносабатларнинг самрали модели сифатида қаралади¹.

Бу эса, ўз навбатида Япония тарихи, унинг бугунги миллий хуқуқий тизими, Япониядаги давлат органлари тизимини ўрганиб чиқиши ҳар томонлама фойдали эканлигидан далолатdir.

Айниқса, менталитетлар ўхшашлиги, бир минтақа (Шарқ) да жойлашганлиги ҳисобга олинган ҳолда бу мавзуни ўрганиш бугунги кун учун муҳимдир. Айнан шундай мулоҳазалар мазкур магистрлик диссертация ишининг мавзусини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Япония суд тизими Ц.Инако, В.Н.Еремин, Я.Г.Крылова, Н.В.Колтунова, Н.Морозов, О.Н.Железняк ва бошқа хориж олимлари томонидан ўрганилган². Ўзбекистонлик олимлардан С.М. Адилхожаева, М.Х. Рустамбоев, А.Х. Саидов, Е.Н. Никифорова, А.Т.Алламуратов, Б.Исмоилов, А.Абзалов, С.М. Раҳмонова, Й.Нарзиевлар³ ва бошқаларнинг ишларида Японияда суд тизими масалаларига атрофлича тўхталган. Таъкидлаш жоизки, ушбу мавзуга оид монографиялар ва илмий изланишлар комплекс тарзда Ўзбекистонда олиб борилмаган. Шуларни эътиборга олган ҳолда, биз ушбу

¹ Абдураҳманов Қ.Х. ва бошқалар. Япония: сиёсати, иқтисодиёти, маданияти. Т.: Турон-Иқбол, 2006. 18-бет.

² Цуно Инако Современное право Японии. -М., 1981, Еремин В.Н. Политическая система современного японского общества. М., 1992. Те. И. Б. Проблемы назначения, исполнения смертной казни и других видов уголовного наказания по законодательству современной Японии: Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. юрид. наук. -Владивосток, 2005. –С. 34. Иванов, А.М. Организованная преступность и борьба с ней в Японии / Науч. ред. В. А. Номоконов; Министерство образования РФ. Дальневосточный государственный университет. - науч. изд. - Владивосток :Изд-во Дальневосточного ун-та, 2000. -188 с. Манба. www.law.vl.ru сайти.

³ Қаранг. Адилхожаева С.М. Япония: государственность, развитие, перспективы. // Давлат ва хуқуқ. - 2004. -№4, - С. 66; Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Хукукни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2005.; Саидов А.Х.Ҳозирги замон асосий хуқуқий тизимлари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. -Тошкент, 2004; Б.Исмоилов Правовая регламентация организации и деятельности судов: зарубежная конституционная практика // Давлат ва хуқуқ -2004. -№4, - С.67-69; А.Абзалов Обеспечения прав потерпевших (жертв преступления) в уголовно-процессуальном законодательстве Японии // Давлат ва хуқуқ. – 2004, - №4, -С. 69-71; Алламуратов А.Т, Нарзиев Й. Хорижий мамлакатлар суд тизими. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2006.; Раҳманова С.М. Судебные системы зарубежных стран. Учебное пособие. - Т.: Адолат, 2005.

магистрлик диссертациямизда Япония давлати суд тизимини ва унинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий **мақсади** ривожланган давлатларнинг бири саналган Япония суд тизимиға оид масалаларни назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиб, ўрганилган саволлар бўйича келиб чиқсан муаммоларга жавоб қидиришдир.

Ушбу мақсад тадқиқотнинг:

- Япония суд тизимининг шаклланиш тарихини ўрганиш;
- Япония суд тизимининг шаклланиш босқичларини кўрсатиб бериш;
- Япония суд тизимининг бугунги кундаги ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;
- Япониянинг бугунги миллий ҳуқуқ тизимида суд органларининг тутган ўрни аниқлаш;
- Японияда одил судловнинг асосий тамойилларини таҳлил қилиш;
- Япония давлати суд тизимида судъялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ўрганиш;
- Японияда судъяларнинг ҳуқуқий мақомини очиб бериш ;
- Японияда судъялар корпуси шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш каби **вазифаларни** белгилаб беради.

Тадқиқот обьекти бўлиб, Япония давлати суд тизими, унинг шаклланиш босқичлари, бугунги кундаги ҳуқуқий ҳолати, Япония суд ишларини кўриб чиқишининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи процессуал нормалар ҳисобланади.

Тадқиқот предметига Япония суд тизимиға оид қонунчилик хужжатлари ва шу мавзуга оид юридик, тарихий манбалар ташкил қиласди.

Диссертациянинг норматив асоси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар, Япониядаги суд органларининг фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлган

Япония жиноят кодекси, Япония жиноят процессуал кодекси ҳамда бошқа қонунлар¹.

Тадқиқотнинг назарий манбаларини жиноят-процессуал ҳукуқи, хорижий мамлакатлар суд тизими, юридик психология ва бошқа фанлар бўйича илмий ишлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонда Япония суд тизими тўлиқ ҳолда, унинг шаклланиш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари билан ўрганилган эмас. Шунинг учун ушбу тадқиқотда илк бор Японияда суд тизими батафсил ёритиб берилган. Диссертацияда илмий методологик даражада Япония давлати суд тизими комплекс тарзда ўрганилди.

Шунингдек, дунёning энг тарақкий этган давлатларидан бири саналмиш Япония давлатининг суд тизимини ўрганиш, уни таҳлил қилиш бугунги кунда суд тизимида ислоҳотлар олиб борилаётган бизнинг давлатимиз ҳукуқий тизими ва ҳукуқий фан учун жуда муҳимдир.

Тадқиқотнинг назарий ва илмий аҳамияти. Тадқиқотда келтирилган маълумотлардан ҳукуқшунос кадрлар малакасини оширишда, суд-ҳукуқ ислоҳотларини ўтказиш борасида тегишли хулосалар чиқаришда фойдаланиш мумкин. Тўғри ва асослантирилган ҳолда қўллаш бўйича илмий назарий хулосалар ва илмий асослантирилган, амалиётда тўпланган бой тажрибалар асосида кўрсатмалар ишлаб чиқиш илмий ва назарий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Тадқиқотнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, тадқиқотда Японияда суд органларини ислоҳ қилиш борасида бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса Ўзбекистон Республикаси миллий ҳукуқ тизими учун долзарб бўлган Японияда ўлим

¹ Уголовный кодекс Японии. Пер. с японского В.Н. Еремина. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. Уголовное законодательство зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии, Японии): Сб. законодательных материалов. - М.: Зерцало, 1999. (Иностранное законодательство/ МГУ им. М. В. Ломоносова. юрид. фак.).

жазосини қўллашга оид бўлган адабиётлар¹ ҳам ўрганилиб, керакли хulosалар тақдим қилинди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ушбу магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида Японияда суд органларининг фаолиятида қонунларни қўллаш борасида эришилган ютуқлар, Японияда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида суд органларининг тутган ролини, айниқса одил судловни самарали амалга оширишда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси суд тизими ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш борасида амалий таклифлар билдирилган.

Тадқиқотнинг натижаларини аprobация қилиш. Асосий назарий қоидалар, назарий хulosалар ва тавсиялар Тошкент давлат юридик институтининг “Суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” кафедраси мажлисида, шунингдек илмий мақолалар шаклида эълон қилинди.

Магистрлик диссертациясининг таркибий жиҳатдан кириш, икки боб, олтита параграф, хулоса ҳамда мавзуга оид иловалардан иборат. Тадқиқот охирида фойдаланилган адабиётлар руйхати келтирилган.

¹ Уголовное право Японии. //Уголовное право зарубежных государств. Общая часть. М.: Омега. 2003., Железняк О. Н. Практика применения смертной казни в Японии. //Право и политика, - 2001,-№3,-C.62-69.

І-БОБ. ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.

§ 1. Япония суд тизимининг шаклланиши.

Японияда суд органлари шаклланиши тарихини баён қилмасдан бурун, унинг бугунги миллий ҳуқуқ тизими бўйича тўхталиб ўтсак, давлат тизими бўйича конституцион парламент монархияси. Император давлат тимсоли ва мамлакатнинг бирлиги, япон халқи ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати бўлиб хизмат шилади. Бироқ у мамлакатнинг сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этмайди, унинг роли асосан протокол функцияларини бажаришдангина иборат. Бироқ, Японияда императорга ва у билан боғлиқ анъаналарга ҳурмат ва эътибор жуда кучли. Бунга мисол сифатида, Японияда парламент томонидан 1966 йил 11 февраль куни қабул қилган қонундан кўриш мумкин. Ушбу қонунга мувофиқ, милоддан аввалги 660 йил 11 февралда Японияда биринчи императорлик давлати ташкил топганлиги ҳисобга олиниб, 11 февралда ҳар йили “давлат ташкил топган кун сифатида” миллий байрам ўtkaziladigan bўldi¹. Японияда императорга ва у билан боғлиқ анъаналарга ҳурмат ҳамда эътибор суд тизими қурилишида ҳам бугунги кунда ўз аксини топган.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг олий органи икки палатадан – вакиллар палатасидан (480 ўрин) ва маслаҳатчилар палатасидан (252 ўрин) иборат бўлиб уларга тегишинча 4 ва 6 йил муддатга сайланади, шу билан бирга кабинет таркиби ҳар 3 йилда 50% га янгиланиб туради. Парламент депутатлари ичидан Бош вазирни тайинлайди, кабинет таркибини тасдиқлайди

Япония суд тизимининг ривожланиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1-босқич. Ўрта асрлардаги Япония суд тизими.

¹ Адилхожаева С.М. Япония: государственность, развитие, перспективы. // Давлат ва ҳуқуқ. - 2004. -№4, - С. 66.

2-босқич. Мэйдзи ислоҳотларидан 1945 - йилгача бўлган давр.

3-босқич. 1945 йилдан ҳозирги давргача бўлган босқич.

Япония суд тизими ўрта асрларда айблов-инквизицион характерда бўлган. Суд иши давлат муассасаси ёки алоҳида шахснинг аризаси асосида бошланган.

Суд маъмуриятдан ажралмаган эди. Суд иши жавобгарнинг яшаш жойи бўйича, уезд бошқармасида ёки яқин орадаги давлат муассасасида кўриб чиқилган.

Ишнинг бирор суд идорасига оидлиги жиноят содир этилган жой бўйича, ёки унинг муҳимлик даражаси, ёки берилиши мумкин бўлган жазонинг оғирлиги бўйича белгиланган. Оғир жазога маҳкум қилинадиган ишла вилоят бошқармаларида кўриб чиқилган. Ўша даврдаги Адлия вазирлиги органлари муҳим ишлар бўйича тергов ва судни, қарзларни ундириш бўйича низоларни кўриб чиққанлар.

Адлия вазирлиги бундан ташқари жазоларни ижро этиш билан ҳам шуғулланган. Судлов фаолиятида давлат Кенгаши ҳам муҳим роль ўйнаган. Давлат кенгаши ўзидан қуий турувчи суд органлари қарорларини бекор қилишга ва ишларни қўшимча ёки ўзи тергов қилишга ҳақли бўлган. Энг олий апелляция институти император ҳисобланган.

Албатта Мэйдзи ислоҳотларидан олдин ҳам Японияда суд органлари мавжуд бўлган. Аммо Япониянинг ҳозирги суд тизими учун асослар айнан Мэйдзи ислоҳотлари даврида яратилган¹. Бунинг устига Мэйдзи ислоҳотларидан олдинги даврда суд ҳокимияти Японияда маҳаллий ҳокимлар қўлида эди, у ўзининг суд ҳокимиятига хос бўлган функцияларидан кўра кўпроқ маҳаллий ҳокимлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширган. Иккинчи босқичда Япония суд тизимининг шаклланишига ушбу даврда ўтказилган ҳуқуқий ислоҳотлар(янги қонунларнинг қабул қилиниши) катта таъсир қилди. Шу

¹ А.М. Мещеряков. Император Мэйдзи и его Япония. - М.: Наталис, 2006. - С 35

боис биз ушбу ҳуқуқий ислоҳотлар моҳиятини қисқача таҳлил қилишга қарор қилдик.

Япониянинг 1889 йилги биринчи Конституцияси (Мэйдзи Конституцияси) ҳам Пруссиянинг 1850 йилги Конституцияси асосида тузилган эди. Японияда амалга оширилган кодификация ишларида асосан Германия ва Франциядан таклиф қилинган ҳуқуқшунослар фаол қатнашдилар. Масалан, француз ҳуқуқшуноси Г.Буассонад раҳбарлиги остида бир қанча кодекслар, жумладан, жиноят (1890 йилда), савдо (1890 йилда) кодекслари лойиҳалари ишлаб чиқилган эди.

XIX асрнинг 80-йиллари Япония қоидаларини янгилашнинг бошланғич босқичи, XX асрнинг бошлари эса – қонунларни аниқлаштириш ва бир мунча консерватив курсга мослаштириш даври бўлди.

Мэйдзи инқилобининг дастлабки йилларида Японияда жиноят ҳуқуқи соҳаси бир мунча ривожланди. Дастлабки ўзгаришлар ҳам айнан жиноят қонунлари соҳасида амалга оширилди. Ҳукмрон доиралар – помешчик-юнкерлар ва буржуазия томонидан қилинадиган жиноий таъқиб асосан дехқонлар ҳаракатларига, шунингдек буржуа ўзгаришларига нисбатан самурайлар муҳролифатчилигига қарши қаратилган эди. Қисқа вақт ичida – 1868 йилдан 1873 йилгача мамлакатда учта кенг жиноят қонунлари қабул қилинди. Булар 1878 йилги муваққат жиноят кодекси, 1871 йилги янги жиноят ҳуқуқи асослари ва 1873 йилги жиноят қонунларига киритилган ўзгаришлар эди. Мэйдзи замонидаги биринчи тизимлаштирилган жиноят қонуни – муваққат жиноят кодекси буржуазиянинг ҳеч қандай таъсирини ўзида акс эттиrmади. Кейинги иккита кодекслар ҳам ундан унчалик фарқ қилмади¹.

Янги типдаги биринчи жиноят кодекси 1880 йилда чиқарилди ва 1882 йил 1 январдан кучга кирди. Унинг асосий муаллифи Париж университетининг профессори Буассонад эди. Бу кодекс 1789 йилги Инсон

¹ Уголовное право Японии. //Уголовное право зарубежных государств. Общая часть. - М. , Омега -Л., 2003. – С. 253.

ва фуқаро хуқуқлари Декларацияси ва 1810 йилги Жазолар ҳақидаги француз кодексида баён қилинган таърифлар бўйича маълум бўлган қатор принциплар ва қоидаларни ўзида мужассам этди. Масалан, қонунда кўрсатилмаган жиноятларнинг бўлмаслиги, қонуннинг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги принциплари айнан Франциянинг 1810 йилги жиноят кодексидан олинган эди¹. Ушбу икки принцип Япониянинг 1880 йилги жиноят кодексида қуидагича таърифланган эди: «Шахс қандай хатти-ҳаракатлар содир қилса ҳам, агар бу қонунда тўғридан тўғри кўрсатилмаган бўлса, жазоланиши мумкин эмас», “Қонун у эълон қилинишидан олдин содир этилган жиноятга тадбиқ этилиши мумкин эмас».

1880 йилги Жиноят кодекси Франция жиноят кодексига хос бўлган қатор муҳим элементларни – қонун билан жазоланадиган уч туркумли хуқуқбузарликлар (жиноят – ножӯя иш – риоя қилмаслик)ни, кодекснинг турт элементли тузилишини (Япония жиноят кодекси ҳам тўртта китобдан иборат қилиб тузилди) ва моддаларнинг нисбатан кам сонлилигини (у бор – йўғи 430 та моддадан иборат эди) ўзлаштириб олди.

Кодексда шунингдек эски япон хуқуқининг баъзи нормалари ҳам ўзлаштириб олинганлиги кўзга ташланади. Масалан, кодексда назарда тутилган айбига икрор бўлиб келган ҳолатда барча турдаги жиноятлар бўйича жазонинг енгиллаштирилиши шартлиги принципи эски япон хуқуқидан ўтган эди. Бу принцип ёрдам бериш ва суиқасд қилиш таркибларига ҳам тарқатилган. Жиноят таркибларининг аниқ таркибланиши ва таснифлаштирилиши кодекснинг муҳим ютуғи эди. Бу суд ва маъмурий сущистъмолликларни, ўзбошимчаликларни чекланишига олиб келди. Бироқ Япониянинг 1880 йилги Жиноят кодексидаги жазолар тизими французларникуга қараганда жуда қаттиқ ва шафқатсиз эди. Унга биноан 20 та ҳолатда ўлим жазоси назарда тутилган эди. Жумладан, сиёсий жиноятлар, ўт қўйишлар ва ҳатто баъзи ёлғон гувоҳликлар учун ўлим жазоси берилар

¹ История Японии. Учебное пособие. В 2-х томах. Т.1. М.: РАН. Ин-т востоковедения, Ассоц. японоведов, 1999. –С 68

эди. Қатор жиноятлар умрбод турма қамоғи билан жазоланар эди.

Жазо чораларининг шафқатсиз характерга эга бўлишига қарамай, кодекснинг амалга киритилиши унда ўрнатилган судяларнинг ўз ихтиёрича ҳаракат қилиши ва ўзбошимчаликлари йўлидаги расмий тўсиқлар япон бюрократияси томонидан мухолифатчиликни келтириб чиқарди. Шу сабабли 1887 йилда Жиноят кодекси Ижтимоий хавфсизликни қўриқлаш ҳақидаги жуда шафқатсиз қонунлар билан тўлдирилди. Шу сабаблар бўйича Суд тузилиш ҳақидаги қонунни ишлаб чиқиш чоғида буржуа - ҳуқуқий кафолатлар жиддий тарзда қирқиб ташланди. Япон ҳуқуқшунослари жиноят ва жиноят процессуал қонунлар ишлаб чиқишида эндиликда тabora кўпроқ Германия намунаси томон оға бошладилар.

Япониянинг 1880 йилги Жиноят - процессуал кодекси ҳам француз намунаси асосида ишлаб чиқилган эди. Бироқ процессуал ҳуқуқнинг қатор муҳим қоидалари аввалги ўн йилликларда чиқарилган қонунлар билан амалга киритилди. Масалан, қийноқларнинг чекланиши ва оқибатда бекор қилиниши, апелляция ва кассация инстанцияларининг таъсис қилиниши, адвокатура институтининг ташкил этилиши ва бошқалар ана шулар жумласига киради. Япониянинг Жиноят - процессуал кодексига Франциянинг 1808 йилги Жиноят-процессуал кодексидан ҳам кўп қоидалар ўзлаштиришиб олинди. Бунда қасамхўрлар иштироқидаги суд институтидан воз кечилди. Кодексда ишни судда дастлабки кўриш чоғида полиция учун унга таъсир кўрсатиш имкониятининг тақдим қилингандиги ўзига хос бўлган. Суд ишни дастлабки кўришни ёпиқ мажлисда, айланувчининг адвокатисиз амалга оширган. Бу амалиёт Японияда II жаҳон уруши охирига қадар мавжуд бўлди¹.

Шахсий мулкий муносабатларни тартибга солиш соҳасида эски япон ҳуқуқнинг кучли таъсири сақланиб қолди. Бироқ бунда ҳам герман ва француз фуқаролик ҳуқуқи институтлари қўшилиб кетди. 1890 йилда

1 История государства и права зарубежных стран. Под ред. Жидкова О.А. и Крашенинниковой Н.А. Часть 1. - М., 1999. - С. 237.

Буассонад раҳбарлигига Япониянинг Фуқаролик кодекси тайёрланди. У асосан Наполеон ва анъанавий ҳуқуқ нормаларини ўзлаштириш асосида тузилган эди. Бироқ бу лойиҳадан Германия Фуқаролик кодексидан ўзлаштириш асосида тузилган янги лойиҳа фойдасига воз кечилди.

Умуман XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Японияда ишлаб чиқилган қатор кодекслар асосан Германия Кодекслари намунасига таянди. Ҳусусан, Германия модели 1898 йилги Фуқаролик кодексига, 1899 йилги Савдо кодексига, 1907 йилги Жиноят кодексига, 1890 йилги Фуқаролик - процессуал кодексига асос бўлди. Жиноят жараёнига келганда эса шуни таъкидлаш зарурки, ҳуқуқнинг ушбу соҳасида ҳам (тўғри, бошқа соҳаларга нисбатан бирмунча камроқ бўлса-да) Германия таъсири устунлик қилди.

Юқоридаги кодексларда Ғарбий Европанинг турли ҳуқуқий тизимлари элементлари қўшилиб кетган эди. Масалан, Фуқаролик ва Савдо кодексларида Германия хусусий ҳуқуқининг ғоялари ва концепцияси устунлик қилса ҳам, ҳуқуқий тизимда француз, баъзан инглиз ҳуқуқидан олинган тушунчалар ва институтлар учрар эди¹.

Француз профессори Г.Буассонад томонидан тайёрланган Фуқаролик кодекси ва немис профессори Роспернинг Савдо кодекси Япония парламентида кучли қаршиликка учраган эди. Натижада Фуқаролик кодексининг янги лойиҳасини тайёрлаш уч япон профессоридан иборат комиссияга топширилди. Комиссия томонидан 1896 – 1898 йилларда яратилган лойиҳа ўзида француз ҳуқуки, Германия Фуқаролик кодекси ва Япония одат ҳуқуки таъсирини акс эттириди. Муаллифлар Япония одат ҳуқуки нормаларини оила ва мерос ҳуқуқига киритишди. Умуман олганда эса Германия таъсири устунлик қилди. Ушбу ҳаракатлар натижасида Япония Фуқаролик кодекси 1898 йилда кучга кирди, кейинги йили эса Савдо кодекси амалга киритилди. Япониянинг Фуқаролик ва Савдо кодекслари

¹ Вагацуума Сакаэ, Ариидзуми Тору. Гражданское право Японии: В 2-х кн. /Пер. с яп. Батуренко В.В. Под ред. и со вступ. ст. Халфиной Р.О. - М.: Прогресс, 1983. Кн.1-2. С 19

чиқарилгандан кейин уларга қўпинча ўзгартиришлар киритилди, шу билан бирга ушбу кодексларга киритilmайдиган қўшимча қонунлар чиқариш амалиёти кенг ёйилди. Улар орасида энг муҳимлари – 1899 йилги Лицензиялар тўғрисидаги, Савдо белгилари тўғрисидаги ва Муаллифлик ҳукуки тўғрисидаги қонунлар эди.

Фуқаролик жараёни масалалари 1890 йилда қабул қилинган Фуқаролик-процессуал кодекси билан тартибга солинган.

Процессуал қонунлар билан Япония тарихида биринчи марта низоларни кўриб ҳал қилишнинг суд тартиби жорий қилинди. Бунга қадар низолар феодаллар томонидан мажбурлаш усуллари билан ҳал этиларди.

Японияда XX аср бошида қабул қилинган қонунлар ичida энг муҳими 1907 йилги янги Жиноят кодекси бўлди. У Германия жиноят қонунларининг кучли таъсири остида тузилди. Ҳукуқбузарликларнинг уч туркумли таснифлаштирилиши (жиноят – ножӯя иш – риоя қилмаслик) тутатилди, жазолар турлари ва миқдорларини белгилашда судьяларнинг ихтиёрига бериш кенгайтирилди, шартли ва муддатидан илгари жазодан озод қилиш институтлари жорий қилинди. “Исёнчилик фаолияти”, император оиласи аъзоларига қарши қаратилган жиноятлар қаттиқ жазоларга тортиладиган бўлди. Конунда эслаб ўтилган жиноятлар учун жазолар берилмайди, деган қоида чиқариб ташланди.

Шундай қилиб, инқилобдан кейин Японияда жуда қисқа вақт мобайнида илгари амал қилиб келган ҳукуқ тизимига деярли ўхшамайдиган янги ҳукуқ яратилди. Албатта, Япония томонидан роман-олмон ҳукуқининг қабул қилиниши жараёнини Оврупа қонунчилигининг оддий механик рецепцияси сифатида тушунмаслик керак. Конституциявий, оила, мерос ҳукуки соҳасида мавжуд ҳукукий институтлар, император ва оила тушунчалари ўзига хос японча хусусиятларга эга¹.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, янги даврда Японияда жиноий-

¹ Сайдов А.Х.Ҳозирги замон асосий ҳукукий тизимлари: Олий ўкув юртлари талабалари учун дарслик. Тошкент, 2004. – 205- бет.

хуқуқий муносабатлар асосан 1880 ва 1907 йиллардаги жиноят кодекслари билан тартибга солинди. Бу кодекслар инқилобдан кейинги ўзиларига қадар қабул қилингандык жиноят қонунларини умумлаштирган эдилар.

1880 йилги Жиноят кодексининг қабул қилиниши билан Япония суд амалиётига буржуа жиноят хуқуқининг асосий принциплари киритилди. Жиноят кодекси 430 та моддадан иборат бўлиб, француз жиноят кодекси тизими бўйича тузилган эди.

1880 йилги Жиноят кодексини ҳаётга тадбиқ қилиниши билан шафқатсиз ва ваҳшиёна жазо чоралари: ёқиб юбориш, арралаб бўлиш, секинлик билан бошини кесиш тутатилди. Шунингдек, Японияда анъананавий тарзда сақланиб қолган ўзига хос “қасос олиш” тартиби қонунлаштирилган эди. Бунга кўра, ўзига озор етказган шахсадан қасос олиш учун ҳокимият органларидан ёзма рухсат олиш лозим эди.

Жиноят кодексида назарда тутилган жазо тизимиға қўрқитиш ва ундириш руҳи сингдирилган эди. Юқорида қайд этилганидек, 20 та ҳолатда содир этилган жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. Ўлим жазосидан ташқари озодликдан маҳрум этиш ва пул жарималари ҳам қўлланилган. Маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш жазоларини каторга ишларига оид турмаларда, “аклини киргизадиган” уйларда ёки оддий қамоқхоналарда ўтаганлар¹.

1880 йилги Жиноят кодекси асосий жазолар билан бир қаторда фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, полиция назорати остига қўйиш ва мол-мулкни мусодара қилиш сингари қўшимча жазоларни ҳам назарда тутган эди.

Жазоларнинг шафқатсизлигига қарамай, 1880 йилги кодекс япон бюрократиясининг очиқ норозилигига дуч келди. Бу асосан шу билан изоҳланадики, кодекснинг 1810 йилги Француз Жиноят кодексининг

¹Уголовное право Японии. //Уголовное право зарубежных государств. Общая часть. М. , Омега - Л., 2003
С 254

нормаларидан ўзлаштириб олинган моддалари судлар, прокуратура ва полициянинг ўзбошимчаликларини чеклар эди.

Шу сабабли Японияда ишлаб чиқилган янги Жиноят кодекси учун Германия жиноят қонунлари намуна қилиб олинди. Прусс юристи Рудольф иштирокида тузилган 1907 йилги янги Жиноят Кодекси шу йил апрель ойида парламентда тасдиқланди ва 1908 йил 1 январдан кучга киритилди¹. Бу Жиноят кодексининг асосий белгисини жазолар миқдорини белгилашда ва жиноятлар таркибини ўрнатишда судьяларнинг ўз ихтиёрича ҳаракат қилиш эркинлиги принципи ташкил қилган эди.

Япониянинг янги Жиноят кодексида жиноятларнинг давлатга қарши, бошқарувга қарши, хусусий мулкка қарши ва шахсга қарши қаратилган турларини учратамиз.

Императорлик фамилияси аъзоларига қарши қаратилган жиноятлар, ички ва ташқи хавфсизликка қарши қаратилган жиноятлар, қўзғолонларда иштирок этиш давлатга қарши жиноятлар қаторига кирган. Кодекснинг 73-моддасига биноан, император, унинг бувиси, онаси, хотини ва таҳт вориси шахсига нисбатан хавфли хатти-ҳаракат содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган. Хатто ушбу шахсларни ҳақорат қилганлик учун беш йилгача муддатга қаторга ишлари берилиши мумкин эди. 1908 йилги матбуот ҳақидаги маҳсус қонун билан кодексга император хонадони аъзоларининг обрў-эътиборига таҳдид қилганлик учун жазони назарда тутувчи модда киритилди.

Кодекснинг ички хавфсизликка қарши жиноятларга бағишлиланган бўлими бевосита мамлакатдаги инқилобий ҳаракат билан курашишга мўлжалланган эди. 77-моддага асосан мавжуд ҳукуматни ағдариш ёки конституцияни зўрлик билан ўзгартириш мақсадида қўзғолонда иштирок этиш учун қўзғалон раҳбарига ўлим жазоси ёки умрбод каторга ишларига маҳкум этиш, иштирокчиларига каторга ишлари ёки турмага қамаш назарда

¹ Адилхожаева С.М. Япония: государственность, развитие, перспективы. // Давлат ва ҳукуқ. - 2004. -№4, - С. 66

тутилган. Жиноят кодексининг маҳсус моддаси (80-модда) содир этилган ёки тайёрланадиган норозилик чиқишлари ҳақида ҳокимиятларга хабар қилинишини белгилайди.

Хусусий мулкка таҳдид қилиб содир этилган жиноятлар учун оғир жазолар назарда тутилган. Босқинчилик жинояти узоқ муддатли қаторга ишлари билан жазоланган. Фирибгарлик ва товламачилик жиноятлари ҳам Жиноят кодекси бўйича хусусий мулкка қарши қаратилган жиноятлар таркибига тааллуқли бўлган. Бундан ташқари, камомат ва ўзлаштириш ҳам ушбу жиноят турига кирган.

Япониянинг 1898 йилги Фуқаролик кодекси умумий қисм, ашё, мажбурият, оила ва мерос ҳуқуқларига бағишлиланган бешта бўлимдан иборат эди. Япония Фуқаролик кодекси бугунги кунда ҳам бир қанча қўшимча ва ўзгаришилар билан амал қиласи.

Кодекснинг оила ва мерос ҳуқуқига бағишлиланган тегишли бўлимларида оила бошлигининг мутлақ мавқеи мустаҳкамланади. Оила аъзолари унинг розилигисиз никоҳдан ўта олмаганлар. Оила бошлиғи вафот этгач унинг ҳуқуқлари ҳамда барча мол-мулки катта ўғилга ўтган. Хотини ва оиланинг бошқа барча аъзолари меросдан маҳрум қилинган. Хотин киши ҳуқуқий лаёқатли ҳисобланмас, унинг мол-мулкини эри бошқарар эди. Никоҳдан ўтилгандан бошлаб аёл киши эрининг оила аъзосига айланган. Лекин шунга қарамай, Япония ҳуқуқ институтлари “вестернизациялашган” япон ҳуқуқининг унча ҳам салмоқли бўлмаган қисми ҳисобланган.

Япониянинг 1899 йилги Савдо кодекси тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда савдо битимлари ва денгиз савдосига оид масалалар батафсил тартибга солинади¹. Савдо Кодексида алоҳида расмий тартиботлар ҳақидаги қоидалар йўқ ва маҳсус савдо судлари назарда тутилмаган. У фуқаролик кодексига қараганда кўпроқ ўзгаришиларга учради. Савдо муносабатлари соҳасида

¹ В.В. Пиляева. Гражданское и торговое право Японии (в юридических конструкциях, понятиях, схемах и таблицах). - М., 2001. - С 55

Савдо кодексининг таркибий қисмiga айланмаган бир қанча қонунлар, масалан, қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун чиқарилди.

1889 йилги Конституция расман судьяларнинг алмаштирилмаслиги ва мустақиллигини ўрнатиб, келажакда Японияда судларнинг қайта тузилишининг умумий принципларини белгилаб берди. Судьялар ўз фаолиятини “император номидан ва қонун асосида” (57-модда) амалга оширадилар. Умумий судларнинг ваколатлари чекланган эди, улар маъмурият хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқа олмасдилар. Конституциянинг 60-моддаси маҳсус, маъмурий судлар ташкил этишни назарда тутди. Амалдорлар фаолияти суд назорат остидан чиқарилди. Амнистия ҳуқуқи, Конституциянинг 16-моддасига мувофик, императорга тегишли эди¹. Суд томонидан бериладиган жазони ҳам фақат император ўзгартира оларди.

Япониянинг эски суд тизими ва суд ишларини юритиш тартиби жуда секинлик билан қайта тузилди. Конституция қабул қилинишидан аввалоқ япон сиёсий арбоблари, юристлар томонидан ғарб мамлакатларининг суд ва ҳуқуқий тизимларини кенг ўрганиш ишлари ўтказилган эди. Бунда қайтадан ташкил этилган Франк-ҳуқуқий мактаби (1879 йил ташкил этилган), Мэйдзи профессионал ҳуқуқий мактаби (1881 йил ташкил этилган), Англия ҳуқуқ мактаби (1885 йил ташкил этилган) ва бошқа ҳуқуқий мактаблар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1872 йилдан бошлаб судларда матбуот вакилларининг иштирок этишига рухсат этилди, фуқаролик ишларини ҳал қилишда қийноқлар кўллаш тақиқланди, расман табақавий фарқлар йўқ қилинди, қонли қасос уч олиш ман этилди. 1874 йилда жиноят суд ишларини юритишда қийноқлар кўллаш дастлаб чекланди, сўнгра эса батомом тақиқланди.

1890 йилда “Судлар ташкил қилиш хақида”ги қонун асосида Япониянинг суд тизими тартибга келтирилди, маҳаллий округ, апелляцион

¹ Конституция Японии 1889 г. В.Н. Дурденевский, Е.Ф. Лундшувейт. Л., 1926 г. С 72

суд инстанциялари ташкил қилинди, апелляцион судлар ва катта суд судьяларидан маъмурий судлар ҳайъатлари тузилди.

Қонун конституцияга мувоғик тарзда расман судьяларнинг алмаштирилмаслиги ва мустақиллиги принципини мустаҳкамлади. Судьялар факат жиноий жавобгарликка ёки интизомий тартибда жазога тортиладиган бўлсалар, алмаштирилиши, мансабидан пасайтирилиши мумкин эди. Шу мақсадда шу йилни ўзидаёқ судьяларни ижтимоий жавобгарлиги ҳақидаги қонун қабул қилинди. Судьяларга тазик ўтказишни бевосита дастаклари Адлия министрининг қўлида қолди. Адлия министри мамлакатдаги одил судлов устидан умумий маъмурий назоратни амалга оширади, судьяларни олий суд ва мамурий лавозимларга илгари суриш ҳуқуқига эга эди.

Судья лавозимини эгаллаш учун 1890 йилги қонунга асосан юридик маълумот ва профессионал тажриба талаб қилинарди. Тегишли имтиҳонларни топширган ҳамда суд органларида ва прокуратурада уч йил хизмат синови муддатдан муваффақиятли ўтган шахслар судья бўлиши мумкин эди.

1890 йилги қонунда шунингдек қатъий субординацияга¹ бўйсунувчи маҳаллий прокурорлардан иборат штатлар билан “прокуратуранинг олий умумий дипартаменти”ни ташкил қилиш ҳам назарда тутилган эди. Судьяларга қандай малакавий талаблар қўйилган бўлса, прокурорларга ҳам шундай талаблар қўйилган. Прокурорларни Адлия министри назорат қилиб турган. Адлия министри прокурорларга у ёки бошқа суд ишлари бўйича кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга эди.

1893 йилда “Адвокатура ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Адвокатлар суд ишларида иштирок эта бошладилар. Адвокатлар корпуси ҳам Адлия вазирининг, ҳам прокуратуранинг қаттиқ назорати остида бўлган. Адвокатлар шунингдек интизомий судларнинг юрисдикцияси остида эдилар.

¹ Субординация-хизматда: кичикларни даражама-даража катталарга бўйсуниши; ўзидан каттага бўйсуниш.

Уларни имтизомий жавобгарликка тортиш хукуқи прокурорларга тегишли бўлган. Ушбу барча янги киритилган тартиб – қоидаларга қарамай Япониянинг “хукуқни муҳофаза қилиш” тизими ҳали узоқ вақтгача империя ҳокимиятининг жазо берувчи қисми бўлиб қолди.

Бунга тарихий мисол келтирадиган бўлсак, Япония иқтисодиёти XX асрнинг 30-йилларида чуқур иқтисодий инқирозларга дучор бўлди. Япония ҳукумати ушбу кризисдан чиқиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлашга қарор қилди. Шундан сўнг бошланган ҳарбий ҳаракатлар боис, Япония давлат тизимида ҳам ўзгаришлар содир бўлди¹. Япониянинг бутун ижтимоий ва сиёсий ҳаёти ўша даврдаги Бош вазир Коноэ Фумимаро таклифига биноан ҳарбий режим манфаатларига бўйсундирилди. Барча сиёсий партиялар тарқатиб юборилди. Барча жамоат бирлашмаларини бирлаштирувчи мудофаага ёрдам Ассоциацияси тузилди.

1941-1944 йилларда барча хукуқни муҳофаза қилувчи органларга Тодзио Хидэки бошчилик қилди. У бир вақтнинг ўзида бош, ички ишлар, ҳарбий вазир лавозимларини эгаллади ва ҳарбий диктатура тизимига бошчилик қилди.

Бу воқеалар ўша даврдаги суд тизимиға ҳам таъсир қилди. Япония судлари ўша даврда ҳарбий режим қонун-қоидаларини ҳимоя қилган ҳолда иш олиб бордилар. Япониянинг ушбу суд тизими 1945 йилгача ўзгаришсиз сақланиб қолди.

¹Адилхожаева С.М. Япония: государственность, развитие, перспективы. // Давлат ва хукуқ. - 2004. -№4, - С. 66

§2. Японияда судлов жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

Японияда Мэйдзи инқилобидан кейин шаклланган ҳуқуқий тизим ўзида роман-олмон ҳуқуқий оиласи хусусиятларини ифодалар эди. Табиий савол туғилади: ушбу қонунчилик «ҳаётдаги ҳуқуқ»قا айландими ёки «китоблардаги ҳуқуқ»лигича қолдими? Ушбу саволга жавоб беришдан олдин иккинчи жаҳон урушидан кейин япон ҳуқуқига Америка ҳуқуқи кучли таъсир этганлигини айтиш жоиз. Япониянинг 1946 йилги Конституцияси, шунингдек 1948 йилги жиноят-процессуал кодекси шундан далолат беради. Фуқаролик-процессуал кодекси ҳам эркин рақобат принципини кенгайтириш томонга қаратилди. Америка таъсири иқтисодиёт соҳасидаги қонунчиликда (компаниялар тўғрисидаги қонун, трестларга қарши қонунчилик) ҳам намоён бўлди¹.

Иккинчи жаҳон уруши ўтиб 1946 йилги Конституция қабул қилингандан кейин фуқаролик, оила, меҳнат ва жиноят ҳуқуқи қайта кўриб чиқилди ва янгиланди.

1946 йилги Япония Конституцияси халқ суверенитети принципини эълон қилди, император сиёсий ҳокимиятдан маҳрум бўлди, у «давлатнинг ва халқ бирлигининг рамзи» деб тан олинди, парламент «давлат ҳокимиятининг олий органи ва «давлатнинг ягона қонун чиқарувчи органи» деб эълон қилинди. Конституция, шунингдек шахснинг асосий демократик ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлади. Асосий қонуннинг 9-моддасида халқаро низоларни ҳал этиш воситаси сифатида урушлардан, ҳарбий куч билан таҳдид қилиш ва уни қўллашдан воз кечиш баён қилинди.

Япониянинг 1946 йилги Конституциясида Америка ҳуқуқий қарашларига мувофиқ суд ҳокимиятининг роли кучайтирилган ва фуқароларнинг бевосита судда ҳимоя қилиниши керак бўлган асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари рўйхати мавжуддир.

¹ В.В. Пиляева. Гражданское и торговое право Японии (в юридических конструкциях, понятиях, схемах и таблицах). - М., 2001. - С 4

Инсоннинг асосий ҳуқуқлари бузилмаслиги (11-модда), шахсни хурмат қилиш (13-модда), қонун олдида барчанинг тенглиги (14-модда), тафаккур, виждон, динга эътиқод қилиш, йиғилишлар, бирлашмалар, сўз, матбуот эркинлиги ва фикр билдиришнинг бошқа методлари эркинлиги ҳамда фикр билдиришнинг бошқа методлари эркинлиги тўғрисидаги коидалар Конституцияда мустаҳкамланган (19-23-моддалар).

Конституцияда эълон қилинган фуқароларнинг одил судлов соҳасидаги ҳуқуқлари: тегишли ҳуқуқий тартиботсиз жазо қўлланилишининг тақиқланиши (31-модда), ҳар қандай айбловни судда муҳокама қилиш ҳуқуқи (32-модда), ғайриқонуний қамоқقا олишни тақиқлаш (33-модда), ҳимоя қилиш ҳуқуқи (34-модда), ғайриқонуний тинтув қилишнинг тақиқланиши (35-модда), калтаклаш ва қаттиқ жазо беришнинг тақиқланиши (36-модда), жиноят иши бўйича ҳар бир айбланувчининг унинг ишининг холис суд томонидан тез ва очиқ муҳокама қилинишига, агар бунга зарурият бўлса текин юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқи (37-модда) ва бошқалар муҳим аҳамиятга эгадир¹.

1946 йилги Конституция асосида Фуқаролик кодекси матнига ҳам муҳим ўзгаришлар киритилди. 1947 йилда патриархал оила институти бекор қилинди, аёл ва эркак оиласи, мулкий, шу жумладан мерос муносабатларининг тенг ҳуқуқли қатнашчилари деб эътироф этилди. 1945 йилги Қонун касаба уюшмалари ташкил этишни ва улар фаолиятининг эркинлигини тан олди, 1947 йилги меҳнат стандартлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ иш қуни ва иш ҳафтаси қанча вақт давом этишига чеклашлар белгиланди, ҳар йилги ҳақи тўланадиган таътиллар жорий қилинди ва ҳоказо. Аграб ислоҳот тўғрисидаги қонунлар билан помешчик ер эгалиги тугатилди ва ер унга ишлов берувчи деҳқонларнинг мулки деб тан олинди. Ниҳоят, 1947 йилдаги хусусий монополияларни чеклаш ва хусусий савдо

¹ Оваселюк А.М. Иностранные конституционные права. Политические институты и конституционное право Японии. - М., 1996. – С. 43.

амалиётини таъминлаш тўғрисидаги қонунга мувофиқ Япониянинг йирик сақловчи компаниялари бўлган дзайбаузлар тарқатилди.

Япониянинг иккинчи жаҳон урушидаги мағлубияти ва етти йил давомида унинг худудида Америка қўшинларининг сақлаб турилиши япон ҳукуқида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бу инглиз-америка ҳукукий оиласи (устун даражада унинг Америка вариантининг) япон ҳукуки ривожланишига катта таъсир кўрсатишига қўмаклашди ва айниқса конституциявий, савдо ҳамда савдо-процессуал ҳукуқда сезиларли намоён бўлди.

1946 йилги Япония Конституцияси лойиҳаси матни Америка оккупация қўшинлари штаби ҳукуқшунослари томонидан тузилган эди. Табиийки, улар намуна сифатида АҚШ Конституциясидан фойдаланганлар. Масалан, Америка моделига мувофиқ Япония Конституциясида конституциявий назорат институти назарда тутилди. Конституциявий назорат, яъни ҳар қандай қонун ҳужжатлари ёки маъмурий актларни Конституцияга мувофиқлиги юзасидан текшириш фақат Олий суд томонидан эмас, балки қўйи судлар томонидан ҳам амалга оширилиши назарда тутилди. Қўйи судларнинг айримлари ҳатто ҳукумат қарорларини ҳам ғайриконституциявий деб эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин эди.

Бу шубҳасиз, конституциянинг энг муҳим демократик қоидаларидан бири бўлди¹.

Монополиялар тўғрисидаги қонун Америка трестларга қарши ҳужжатларининг нусхаси эди. Урушдан кейинги Япониянинг акциядорлик қонунчилигига Америка ҳукуқининг таъсири сўзсизdir. Жиноят процесси соҳасида Америка ҳукукий тизимининг таъсири салмоқли эди. 1948 йилги Япония Жиноят-процессуал кодекси Америка ҳукукий концепциялари таъсирида мусобақалашиш принципи қўлланилишини анча кенгайтирди,

¹ Хасэгава Масаясу Нихон-Но Кэмпо (Японская Конституция). - Токио 1977. - С 8

ишларни дастлабки кўриб чиқиши институтини бекор қилди ва ҳоказо. Ушбу замонда суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун (1947 йил), Прокуратура тўғрисидаги қонун (1947 йил), Адвокатура тўғрисидаги қонун (1949 йил) қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг барчаси уларга бир неча марта ўзгартиришлар киритилган бўлса ҳам амал қилиб келмоқда.

Шу билан бирга АҚШ ҳуқуқининг япон ҳуқуқий тизимиға ушбу таъсири барибир япон ҳуқуқини инглиз-америка ҳуқуқи оиласига тўлиқ «жалб қилиш» имконини бермади. Америка ҳуқуқининг таъсири умуман олганда анча чекланган ва етарлича даражада эмас эди.

Гап шундаки, япон ҳуқуқи асосий тармоқларининг кўпчилик институтлари: фуқоролик, савдо, фуқоролик-процессуал ва жиноят ҳуқуқи ҳамон роман-олмон ҳуқуқий оиласи анъаналарига таянар эди. Япон ҳуқуқшуноси Цунэо Инаконинг бу борадаги хulosаларига қўшилиш керак. У бундай дейди: «Хозирги замон япон ҳуқуқида роман –олмон тизими ҳукмрон мавқега эга»¹.

Япон ҳуқуқининг роман-олмон оиласи мамлакатлари ҳуқуқи билан умумийлиги ижобий (позитив) ҳуқуқ мазмунидагина эмас, балки манбалар тизимида намоён бўлади. Япония ҳуқуқи умумий ҳукуқдан фарқ қилган ҳолда статут ҳуқуқий тизим ҳисобланади. Японияда ҳуқуқнинг асосий ва етакчи манбаи қонунчиликдир. Ушбу ҳолат Япония ва Америка ҳуқуқлари бир-бирига янада яқинлашишига тўсиқ бўлиб хизмат қилади, ушбу яқинлашиш чегараларини белгилаб беради.

Японияда, роман-олмон оиласининг бошқа мамлакатларда бўлганидек суд амалиёти ўзгариши, унинг аҳамияти ошиши ва ҳуқуқнинг амалдаги манбаига айланиши кузатилмоқда. Бироқ суд қарорлари барибир статут ҳуқуқни аниқлаштириш, талқин қилиш воситаси ролини бажармоқда.

Агар ҳуқуқ тўғрисида норматив тасаввур нуқтаи назарида қолинадиган бўлса, мамлакатнинг амалдаги ҳуқуқий тизимида ўз келиб чиқишига кўра

¹ Цунэо Инако. Ссовременное право Японии. - М., 1981. - С 66.

соф япон ҳуқуқини топиш мушкул бўлади. Улар унча кўп эмас. Булар Европа ҳуқуқ тизимиға оз миқдорда қўшилган қўшимчалардир. Рецепция қилинган роман-олмон ҳуқуқи мана 100 йилдирки, қадимий маданият, анъаналар ва урф-одатларга эга бўлган мамлакат шарт-шароитларида самарали ривожланаётганлигини унутмаслик керак.

Ҳуқуқнинг бир қатор тармоқларида (масалан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида) Япония ҳорижий ҳуқуққа мурожаат қилмасдан ўзига хос ҳуқуқий механизми ишлаб чиқмоқда, бу билан пайдо бўлаётган муаммоларни қонунчилик йўли билан ҳал этишда бошқа давлатларга намуна бўлмоқда¹. Шу муносабат билан атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчилик интенсив ривожлантирилаётганлиги ўзига дикқатни тортади. Кўланса ҳиднинг олдини олиш (1971 йил), ишлатилган мойлар етказган заарнинг ўрнини қоплаш (1975 йил), тебранишни тартибга солиш (1976 йил), атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш ва шовқинни чеклаш (1968 йил), атроф-муҳитнинг одамларнинг соғлиги учун хавфли равишда ифлослантирилиши билан боғлик жиноятлар учун жазолаш (1970 йил) тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Уларда ишлаб чиқариш фаолиятининг тегишли қоидаларини бузган ходимни озодликдан маҳрум этиш ва одамлар соғлигига зарар етказган юридик шахсга жазо бериш назарда тутилган. Японияда чиқитқилардан самарали тарзда фойдаланиш ва шаҳарларда озодаликни саклашга айниқса катта эътибор берилади.

Умуман олганда, олдинги кодекслаштириш тизими сақлаб қолинди. Фарбий Европа манбалар тизимиға ўхшаш манбалар тизимини ташкил этувчи кўплаб қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар билан тўлдирилган олтига кодекс (уларга Конституциявий ўзгартиришлар киритилди) унинг ўзагини ташкил этади. Прецедент япон ҳуқуқи манбаига айланмади.

¹ Noda Y. Introduction of Japanese law. Tokyo, University Press. 1984. P 14

Агар Лотин Америкаси ҳуқуқига ўтмишнинг анъанавий нормалари ва институтларининг (Испания ва Португалия ҳукмронлиги замонида сиқиб чиқарилган) бирор-бир таъсири мавжуд бўлмаган Европа ва Америка намуналари бирга қўшилган дуализм хос бўлса, Япония ҳуқуқий тизимиға бошқача хусусиятларга эга бўлган дуализм тегишли, яъни ўтмишда шаклланган анъанавий нормалар ва XIX аср охирида рецепция қилинган роман-олмон ҳуқуқий моделларнинг бирга қўшилиши ва мувозий амал қилиши аён бўлади.

Бизгача етиб келган қадимий япон қонунлари кўп жиҳатдан Хитойнинг Тан династияси қонунларини эслатади. Японияда ҳуқуқ концепциясининг ўзи Хитой ҳуқуқи таъсири остида шаклланган. Ушбу концепция марказида «рицу», яъни жиноят қонуни турад эди. Тизимнинг ўзи эса «рицуре» номини олган ва унинг қаттиқлиги ҳуқуққа нисбатан салбий муносабат шаклланишига олиб келган. Ушбу анъана япониялик онгидаги бугун ҳам яшамоқда, «хуқуқ» сўзи кўпинча турма билан бир хилда тушунилади¹.

Японларнинг яшаш тарзи синтоизм, буддизм ва конфуцийлик диний тасаввурлари таъсири остида шаклланган. Бу япон жамиятидаги ҳуқуқий хулқ-атворнинг анъанавий нормалари «гири» деб аталади. Гири Япониялик тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилади. Баъзан гири муайян шароитларда инсоний ўзаро муносабатлар ҳақидаги қатъий кўрсатмаларга асосланган ор-номус ёки бурч сифатида талқин қилинади. Бу муайян шахс ёки муайян гуруҳ олдидағи бурчdir, бундай ахлоқий мажбуриятнинг бажарилмаслиги мана шу шахс ёки гуруҳнинг норозилигига ёки кўнгли совишига олиб келади.

Ушбу ахлоқий қоидалар Япония суд органлари фаолиятида жиддий акс этади. Айтайлик, шартномавий муносабатлар соҳасида контракт одатда тарафлар ўзаро муносабатларнинг айрим муҳим жиҳатларинигина

¹ Сайдов А.Х.Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Тошкент, 2004. – 205- бет.

белгилайди, контракт амал қилиши, уни бажариш босқичида пайдо бўлиши мумкин бўлган барча аниқ муаммолар гиридан, яъни таниш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қоидаларидан келиб чиқиб ҳал этилади. Япон цивилистлари Сакаэ Вачакума ва Тору Аринузуми битишув тушунчасининг моҳиятини очар эканлар «кутилаётган натижа маълум даражада ҳуқуқий нормалар туфайли эмас, балки урф-одат ва аҳлоқ орқали эришилади» деб таърифлайдилар¹. Битишув қатнашчиси ушбу воситалар ёрдамида кутилган натижаларга эришмаса, унга суд қарори орқали эришиш мумкин. Гирининг амал қилиши ҳаммага ҳам ёйилавермайди, балки доимий равища ўзаро муомала қиласиган шахслар доираси билан чекланади.

Шаклланган анъанага мувофиқ суд муҳокамаси ашёларнинг ҳолатига мутлоқо мос келмайди. Судга мурожаат қилиш даъвогарнинг фикрича, унинг оппоненти тинч йўл билан аҳдлашиш мумкин бўлмаган рисоладаги одам эмаслигини кўрсатади. Суд муҳокамаси уларни яраштириши зарур бўлади.

Японларга суд муҳокамаси ашёларнинг табиий ҳолатига мутлоқо мувофиқ эмасдек туюлди. Агар бир тараф ишни албатта ютиб чиқиши иккинчи томон ютқазиши керак бўлган зиддиятнинг мантикий принципларини ҳамма вақт қиёсий-тариҳий таҳлил қилиш муросали йўлни изловчи японларни қониқтирмайди. Япониялик суд муҳокамасидан кўра ярашишни маъқул кўради. Ҳатто судда кўриб чиқиладиган низоларнинг кўпчилиги ҳам ярашиш билан тугалланади.

Японлар қоидалар ёрдамида тартибга солинадиган бир маромдаги ижтимоий ҳаётни афзал кўришади. Бу уларнинг характерига ҳуқуқий нормаларга қараганда кўпроқ даражада мос келади. Мана шу мақсадда барча ижтимоий муносабатлар оилавий муносабатларга ўхшаб кетади ва улар оиласа тегишли қоидалар билан тартибга солиниши керак. Бироқ ижтимоий муносабатларинг турли-туманлиги туфайли ушбу қоидалар гарчи ягона рухга эга бўлса ҳам доимий равища ўзгариб туради. Бундай қоидалар

¹ Вагацума Сакаэ, Ариидзуки Тору. Гражданское право Японии: В 2-х кн. /Пер. с яп. Батуренко В.В. Под ред. и со вступ. ст. Халфиной Р.О. - М.: Прогресс, 1983. Кн.1-2. С 57

қонунчилик тусига эга бўлмайди, чунки уларда ҳуқуқнинг асосий жиҳатлари мавжуд эмас. Ушбу қоидаларга риоя қилиш ҳамма вақт рақобатнинг ҳистуйғусини қондиришга интилишни уйғотади. Албатта, актни бажаришнинг ўзи ушбу қоиданинг таркибий унсурларидан бири ҳисобланади, бироқ бу етарли эмас. Бажарувчининг ички кайфияти биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Қоидаларнинг анъанавий тизими бўлган гирига конфуцийлик катта таъсир кўрсатди. Гирига ҳуқуқий норма, айниқса қонунчилик нормаси сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Лекин шунга қарамай, улар ҳуқуқий муносабатларга жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, қонун бўйича ўзига тегишли қарзни қарздордан талаб қилувчи кредитор гирига кўра инсон эмас. Қарздорнинг аҳволидан одоб доирасида воқиф бўлувчи, унинг ташвишларига ҳамдард бўлган кредитор кўпроқ, ҳурматга сазовор. Илиқ муносабатга мушарраф бўлган қарздор бундай хайрихоҳликни оқлаш учун қўлидан келган ишни қилишга интилади. Агар шартнома бузилса, тарафлар юридик механизмни ишга тушириб юборишдан олдин «дўстона йўллар»ни синаб кўришлари керак. Шартномаларда тарафлар ўртасида шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда ушбу низоларни улар муҳокама қилишлари тўғрисидаги писанда қилиниши бежиз эмас.

Кўпчилик япон муаллифларининг фикрича, гарчи гири ҳуқуқ соҳасида ўз таъсирини сақлаб қолганига қарамай, бундай таъсири салмоқли деб бўлмайди, ушбу таъсир мунтазам равищда пасайиб бормоқда ва уни XX аср арафасидагига қиёслаш мумкин эмас¹. Гирининг оиласи ҳуқуқ соҳасидаги таъсири шубҳасизdir. Оила ҳуқуқи соҳасидаги масалалар судга мурожаат қилинмай асосан ички муҳокамалар ёрдамида ҳал этилди. Ажралишлар ўзаро розилик билан ҳал этилишига япон ҳуқуқи томонидан рухсат берилган ва ажралишлар умумий сонининг қарийб 90 фоизи ўзаро розилик билан ҳал

¹ Оваселюк А.М. Иностранные конституционное право. Политические институты и конституционное право Японии. - М., 1996. - С 199

этилади. Мол-мулкни бўлиш алимент тўлаш ёки болаларга васийликни тайинлаш ҳам мана шу тарзда ҳал этилади, чунки ушбу масалаларни танланган воситачилар ёки эр-хотиннинг дўстлари ҳал этишади. Қўшнилар, ижара шартномаси қатнашчилари ўртасидаги низолар ҳам асосан тинч йўл билан ҳал этилади.

Японларнинг ҳуқуқий онгини тушунишда айрим муаллифлар, айниқса ҳорижий муаллифлар ноаниқликка йўл қўйишади. Масалан, Р.Давид японларнинг қундалик ҳаётида ҳуқуқ эмас, балки гирининг мањавий-ахлоқий нормалари анъанавий мажмуини белгиловчи аҳамиятга эгадир, дейди¹. Россиялик муаллифлар А.А.Тилле ва А.Овчинников ҳам мана шундай нуқтаи назарни қўллаб-қувватлашади.

Чиндан ҳам Японияда жисмоний шахслар ёки ташкилотлар ўртасидаги шартномавий муносабатларда гири нормалари муайян ўринни эгаллайди, бироқ ушбу нормалар шартнома муносабатларининг барча жиҳатларини қамраб ололмайди. Масалан, А.А.Тилле Японияда қўлланиладиган иш кучини умрбод ёллаш тизимини ҳам гири нормаларининг амал қилиши соҳасига киритади. Бироқ аслида бундай эмас. Ушбу тизим урушдан кейинги замонда, айниқса Японияда иқтисодий ўсиш суръатлари юксак бўлган XX асрнинг 60-йилларида ривожланди. Бу энг аввало хусусий компаниялар иш кучини ўз маблағлари ҳисобига касбга тайёрлар экан ишчи ва хизматчиларнинг ўз корхонасида ишлаб қолиши учун ҳар хил чоралар қўллаши билан боғлиқдир. Шундай қилиб, ишчиларнинг ўрта мактабни тамомлангандан пенсияга чиққунча қадар бир корхонада ишлаши уларнинг ёки тадбиркорларнинг гири нормаларига боғлиқлиги билан эмас, балки оддий моддий омиллар билан изохланади.

Фуқароларнинг можароли вазиятларни судни четлаб ҳал этишга интилиши японлар ҳуқуқий онги ёки хулқ-атворининг хусусияти деб кўрсатилади. Чиндан ҳам бунда биз гирининг айрим нормаларига дуч

¹ Давид Р. Основные правовые системы современности: Пер.С фр.В.А.Туманова. - М -3-изд.1996. С. 179.

келамиз, бироқ асосий сабаб суд мухокамасининг узоқ вақт чўзилиши ва катта харажатларни талаб қилиши билан боғлиқ суд тартиботининг мураккаблигидан иборатдир. Лекин шунга қарамай, статистика япон фуқароларининг суд органларига мурожаатлари, хусусан инсоннинг асосий ҳукуқлари (яшаш, сўз эркинлиги, бирлашиш ҳукуки ва бошқалар) бўлиши билан боғлиқ даъволар сони ошганлигидан далолат беради.

Ҳозирги япон ҳукуки суд тартиботи билан биргаликда низолашувчиларга Фуқаролик-процессуал кодексда мустаҳкамланган (136-модда) маҳсус ярашиш тартиботини танлаш имконини беради¹. Ушбу тартиботга мувофиқ ваколатни суд тарафлардан бирининг аризасига кўра икки ва ундан кўп мутахассис бўлмаганлардан иборат таркибда кўп ҳолларда тажрибали судья раис этиб тайинланадиган маҳсус ҳакамлик қўмитаси ташкил этади. Ушбу қўмита низолашувчи томонларни чақириб, уларни эшитади, сўнгра уларнинг тинч йўл билан ярашишга мойиллик билдиришларига интилади. Бундай уриниш муваффақиятсиз тугаган тақдирда даъво суд тартибида берилиши мумкин. Амалиётда келишув тартиботлари катта аҳамиятга эга. Судлар кўп ҳолларда ишни кўришни тўхтатиш ва уни ҳакамлик қўмитасига бериш имкониятидан фойдаланишади. Даъводан воз кечишлиар сони ҳар йили ишлар умумий сонининг 50 фоизини ташкил этади. Албатта, японларнинг низоларни дўстона ҳал этишга мойиллигини ортиқча баҳоламаслик керак. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Японияда кейинги йилларда жамоавий суд жараёнлари, айниқса атроф муҳитни муҳофаза қилишга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати учун жавобгарликка тегишли жараёнлар сони созиларли даражада ошди.

Р.Давид япон ҳукукининг келажаги тўғрисида гапириб «ҳатто агар япон институтлари тўлиқ вестернизация қилинса ва юридик техника замонавийлаштирилса ҳам, ҳукуқнинг қўлланилиши бари бир ушбу

¹ Сайдов А.Х.Ҳозирги замон асосий ҳукукий тизимлари: Олий ўкув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, 2004. – 215- бет.

мамлакат маданияти соҳасида анъанавий принципларнинг яшовчанлиги ва амал қилишини ҳис қиласди»¹.

§ 3. Японияда одил судловнинг асосий тамойиллари

Японияда одил судлов принциплари Япония Конституциясида, Япония Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал қонун хужжатларида кўрсатилган. Япония Конституциясига мувофиқ, одил судловнинг асосий конституциявий принципларига қўйидагилар киради:

- шахсни жиноий жавобгарликка тортишда қонуний ва адолатли бўлиш;
- шахснинг қонуний ҳаракатлари учун ҳаётидан, озодликдан маҳрум қилиш ёки бирон-бир жиноий жазони қўллашга йўл қўйилмаслиги(Япония Конституцияси 36-моддаси);
- шавқатсиз жазолар ва таҳқирланишнинг таъқиқланиши(Япония Конституцияси 39-моддаси);
- шахс қилмишни содир қилган вақтда қонуний бўлган ҳаракати учун кейинчалик жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги.

Юридик адабиётларда Японияда судлов жараёнининг қўйидаги принциплари мавжудлиги эътироф этилади:

- аналогия бўйича ҳукмлар чиқаришнинг таъқиқланиши;
- қонуннинг орқага қайтиш кучи асосида судловга йўл қўйилмаслиги;
- қайд қилинмаган тартибда шахсга нисбатан эҳтиёт чоралари қўллашнинг таъқиқланганлиги.

Япония жиноят ишлари бўйича одил судловнинг асосий тамойиллари Япония Жиноят Кодексининг жазолар билан боғлиқ

¹ Давид Р. Основные правовые системы современности: Пер. с фр. В.А.Туманова. – М. -3-изд. 1996. –С. 202.

қисмларида кўрсатиб ўтилган¹. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Япония жиноят кодекси нормаларини қўллашда бугунги кунда япон судьялари учун муаян қийинчиликлар мавжуддир. Жумладан, Япония Жиноят кодексида жиноий судлов ишларини олиб бориш билан боғлиқ бўлган жиноят ҳукуқининг муҳим институтлари Япония Жиноят Кодексида кўрсатилмаган. Япония Жиноят Кодексида ҳаттоки, жиноят тушунчасига оид жиноий-ҳукукий нормалар мавжуд эмас.

Жиноий жазолар билан боғлиқ нормалар Япония Жиноят Кодексининг иккинчи бобидан жой олган.

Жиноий жазолар билан боғлиқ бўлган Япония Жиноят Кодексидаги нормаларни таҳлил қилиш қўйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

Биринчидан, Япония Жиноят Кодексидаги жиноий жазо қўзда тутилган нормаларнинг қўпчилигига санкциялар муқобил характерга эга. Яъни ушбу жазоларни тайинловчи судьялар қилмишга мос бўлган жазо турини танлашда, демакким ҳар бир қилмиш учун мос бўлган жазо тайинлаш лозимлиги хусусидаги одил судлов принципини амалга оширишда катта имкониятга эгадирлар;

Иккинчидан, шахсга нисбатан суд муҳокамасигача бўлган даврда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган эҳтиёт чораларининг қўлланганлик муддатларини ҳисобга олиб, шахсни жазодан тўла ёки қисман озод қилишнинг мавжудлиги жиноят ишлари бўйича одил судловнинг адолатлилик принципини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Шу ўринда Япониядаги жиноий жазолар тизими бўйича тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки жиноий жазолар одил судлов принципларини амалга оширишнинг муҳим воситасидир.

Япония Жиноят Кодекси бўйича қўйидаги асосий жиноий жазолар мавжуд:

¹ Уголовное право Японии. // Уголовное право зарубежных государств. Общая часть. М.: Омега - Л., 2003. – С. 254.

- ўлим жазоси;
- мажбурий меҳнат қўллаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш;
- мажбурий меҳнат қўлламаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш;
- жиноий қамоқ;
- жарима;
- кичик жарима;

Япония Жиноят Кодексида мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазо тури сифатида қўзда тутилган. Жарима ва кичик жарима санкцияда қўзда тутилган сумманинг миқдори билан бир-биридан фарқ қиласди. Жарима, кичик жарима шунингдек, жиноий қамоқ бошқа жиноий жазолар билан бирга қўлланилиши мумкин¹.

Тадкиқотчиларнинг фикрича, шахснинг хукуқларини жиноий жазоларни қўллаган ҳолда чеклаш Жиноят Кодексидан ташқари бир қанча нормаларда ҳам қўрсатилган.(мисол учун оммавий лавозимларига сайлаш тўғрисидаги қонунда фуқароларнинг сайлов хукуқини бузганлиги учун хукуқбузарга тайинланадиган нисбатан жиноий жазоларнинг турлари ҳам қўрсатилган).

Японияда судлов тизими учун хос бўлган хусусиятлардан бири оқлов хукмларининг ниҳоятда камлигидир. Оқлов хукмлари ҳар йили ўртacha барча хукмларнинг 0,1 фоизини ташкил қиласди, холос.

Япония Жиноий жазолар тизимида ўлим жазосининг борлиги Япония одил судлов тизимининг инсонпарварлик принципига зид эканлиги хусусида олимлар ўртасида фикрлар мавжуд. Биз ушбу фикрларга аниқлаштириш учун, Япония Жиноят Кодексидаги ўлим жазосига оид бўлган нормаларни таҳлил қилишга қарор қилдик.

Ўлим жазосига оид бўлган нормалар Япония Жиноят кодексининг 11-моддасида қўзда тутилган. Япониянинг амалдаги Жиноят Кодекси 13 та жиноят учун ўлим жазосини аксарият ҳолларда муқобил жазо тури

¹ Уголовный кодекс Японии. Пер. с японского В.Н. Еремина. - СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 53

сифатида белгилаган. Аксарият ҳолларда деб айтишимизнинг боиси, Япония Жиноят Кодексининг 81-моддасида кўзда тутилган жиноий қилмиш (чет давлатлар билан Японияга қарши ҳарбий агрессия уюштириш мақсадида битимлар тузиш) учун жиноий жазо санкциясида факатгина ўлим жазоси кўзда тутилган.

Ўлим жазосини тайинлаш Жиноят кодексидан ташқари бошқа маҳсус қонунлар(жиноий дуэллар тўғрисидаги, назорат остидаги портловчи моддалар тўғрисидаги, ҳаво судлари тўғрисида)да кўзда тутилган. Шу ўринда шуни айтиш лозимки, кейинги 15 йил давомида Японияда 66 шахсга нисбатан ўлим жазоси тайинланди. Шу йиллар давомида ушбу шахслардан 26 тасига нисбатан ҳукмлар ижро этилди. Мажбурий меҳнат кўллаган ва кўлламай ҳолда тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазолари Япония Жиноят Кодексининг 12-13 моддаларида кўзда тутилган. Япония Жиноят Кодексининг 12-моддасига мажбурий меҳнат кўллаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси умрбод, ёки 1 ойдан 15 йилгача бўлган муддатга тайинланади. Ушбу қоидалар мажбурий меҳнат кўлланилмайдиган озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳам тааалуқли бўлиб, ушбу жазони тайинлашда муддат 20 йилгача оширилиши мумкин. Япония Жиноят кодексининг 16-моддасига мувофиқ, жиноий қамоқ 1 кундан 30 кунгача бўлган муддатга тайинланиши мумкин¹. Мажбурий меҳнат кўлланилмайдиган озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар ўз аризалари билан меҳнатга жалб қилинишлари мумкин. Бу қоида, шубҳасиз, инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг Япония жиноят-ижроия қонунларида эътироф этилганлигининг белгисидир.

Жиноят кодекси бўйича жарима жазосини тайинлашда ҳам одил судлов принциплари амалга ошиши мустаҳкамланган. Жумладан, жарима жазосини тўла олмайдиган шахслар учун айrim давлатларда бўлганидек,

¹ Уголовное право Японии. //Уголовное право зарубежных государств. Общая часть. - М.: Омега - Л., 2003. – С. 254.

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазолар ўрнига Япония Жиноят кодексининг 18-моддасида уч йилгача бўлган муддатда меҳнат уйларида ишлаб бериш жазоси кўзда тутилган.

Японияда жиноий жазолар ичида ушбу жарима жазоси ва уч йилгача бўлган муддатда меҳнат уйларида ишлаб бериш жазоси кенг қўлланилади. Ушбу ҳолатнинг сабаблари қўйидагилардан иборат:

- **Биринчидан**, япон судьяларининг фикрича, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун уларни қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилгандан кўра, уларни меҳнат уйларига юбориш лозим, чунки, қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳам тезда салбий натижалар келтириб чиқариши мумкин;
- **Иккинчидан**, меҳнат уйларига юбориш жазоси катта сарф-харажатларни талаб қилмайди;
- **Учинчидан**, меҳнат уйларига юбориш давлат бюджетига катта даромад келтириши мумкин;
- **Тўртинчидан**, жарима жазоси нафақат, жисмоний балки юридик шахсларга ҳам тайинланиши мумкин.

Меҳнат уйларида ишлатиш жазоси кенг қўлланилганлиги боис, айрим олимлар жарима жазосини “жарима кунлари” жазоси тарзида қўллашни таклиф қилмоқдалар¹.

Япония суд тизимида бугунги кунда ўтказилаётган ислоҳотлар одил судлов принциплари моҳиятига ҳам ўзгаришлар киритмоқда.

2005 йил 21 майда Япония парламенти миллий суд тизимида ислоҳотлар ўтказишга оид бўлган қонунни қабул қилди. Унга кўра эндилиқда Японияда маслаҳатчилар судининг ваколатлари оширилди. Тадқиқотчилар фикрича, иккинчи жаҳон урушидан кейинги мамлакатнинг ҳуқуқий тизимидағи энг катта ўзгаришдир. Ушбу қонуннинг 2009 йилдан

¹ Уголовное законодательство зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии, Японии): Сб. законодательных материалов. - М.: Зерцало, 1999. (Иностранное законодательство/ МГУ им. М. В. Ломоносова. Юрид. фак.) -С 211

бошлаб кучга кириши белгиланган. Ушбу қонунинг қабул қилиниши мамлакат Бош вазири Ж.Коидзуми томонидан ўтказилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисмидир. Ушбу янги қонунга мувофиқ, мамлакатнинг 20 ёшга кирган ҳар бир фуқароси олтита суд маслаҳатчисидан иборат бўлган ҳайъат таркибиға киришга ҳаклидир. Ушбу ҳайъат оғир ва ўта оғир жиноят ишларини кўриб чиқади.

Маслаҳатчилар тегишли органлар томонидан танланади. Маслаҳатчилар ҳайҳати таркибиға кириш факат диний эътиқоди ёхуд касаллиги сабали рад қилинганда асосли деб топилиши мумкин.

Янги қонунда шунингдек, фуқаролар ва маслаҳатчилар учун асоссиз равишда маслаҳатчилар ҳайъати таркибиға киришни рад қилганл ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги тўғрисидаги қонунни бузганлик учун 450 долларгача бўлган суммада жарима ва икки йилгacha бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўзда тутилган¹. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолат Япония одил судлов тизимида демократизм принципининг кенг амалга оширишдир.

¹Манба, www.kompuenet.com 24.05.2005

II-БОБ. ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИДА СУДЬЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

§ 1. Японияда суд тизими

Япония суд тизимида судьяларнинг хуқуқий мақоми Генерал Макартур оккупацияси даври (1945-1947 йй)да қабул қилинган қонунлар билан белгиланади. Унга кўра Япония суд тизими Олий судни, юқори судларни, ҳудудий, оиласвий ва бошланғич судларни ўз ичига олади. Япон суд тизимига раҳбарлик Олий суд томонидан амалга оширилиб, у олий суд инстанцияси сифатида, олий конституциявий назорат органи сифатида ва қуий турувчи барча судлар устидан раҳбарлик қилувчи орган сифатида кенг ваколатларга эгадир. Олий суд нафақат судларнинг, балки адвокатларнинг иш қоидаларини белгилайди, бу қоидаларга прокурорлар ҳам риоя этишлари лозим. Олий суд Токиода жойлашган бўлиб, раис ва 14 та суд аъзосидан иборат¹.

Олий суд сўнгги инстанция сифатида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича қуий судларнинг қарорлари ва ҳукмларига келтирилган шикоятларни, одатда, беш судьядан иборат ҳайъат таркибида кўриб чиқади. Олий суд ўз иш юритувига ишнинг фактик ҳолатларини баҳолаш юзасидан эмас, балки фақат ҳуқуқ масалалари бўйича шикоятларни олади (шикоят келтирилаётган қарорнинг хусусияти, уни чиқарган суд инстанциясининг даражаси ва ҳоказоларга кўра суд қарорлари устидан шикоят келтиришнинг бир неча тури мавжуд). Олий суд албатта тўла таркибида қонун ҳужжатлари ёки маъмурий актларнинг Конституцияга зидлиги юзасидан шикоятларни, шунингдек, Конституцияни шарҳлаш ёки унга ўзгартиришлар киритиш ёхуд Олий суднинг ўзининг аввалги қарорларига ўзгартириш киритиш масаласи юзага келган ишларни кўриб чиқади.

¹ Рахманова С.М. Судебные системы зарубежных стран. Учебное пособие. - Т.: Адолат, 2005. - С 147

Юқори судлар (улар 8 та бўлиб, мамлакатнинг турли қисмларидағи иирик шаҳарларда жойлашган) асосан, апелляцион инстанция сифатида иш юритиб, уч судьядан иборат ҳайъатда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича қуи турувчи судларнинг қарорлари ва ҳукмларига, жумладан иккинчи инстанцияда чиқарилган қарорларга келтирилган шикоятларни кўриб чиқади. Бундан ташқари, беш судьядан иборат ҳайъатларда давлатга қарши жиноятлар кўриб чиқилади. Олий суд қарорига мувофиқ, зарур ҳолларда ҳар бир юқори суднинг битта-иккита бўлинмаси (филиали) қўшимча равишда таъсис этилиши мумкин.

Япония суд тизимининг энг муҳим бўғини – худудий судлар бўлиб, улар 47 префектуранинг ҳар бирининг марказида жойлашган (уларнинг аксарияти бошқа шаҳарларда ўз бўлинмаларига эга). Уларда биринчи инстанцияда юқори ва бошланғич судлар судловига кирадиган ишлардан ташқари, фуқаролик ва жиноят ишларининг асосий қисми кўрилади (айрим худудий суд бўлинмаларининг ваколатлари тоифасига кўра бироз чекланган). Бу судлар шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича бошланғич судлар чиқарган қарорларга келтирилган шикоятларни кўриб чиқади¹.

Бошланғич судлар – энг қуи инстанция бўлиб, даъво миқдори кам бўлган (бу миқдор вақт-вақти билан Олий суд томонидан қайта кўриб чиқиб турилади) фуқаролик ишларини ҳамда жарима кўринишидаги жазо тайинланиши мумкин бўлган жиноят ишларини, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиладиган айрим тоифадаги жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади (бу судлар кўпи билан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга ҳақлидирлар). Бошланғич судларда ишлар якка судья томонидан кўриб чиқилади. Япон судларининг бирортасида ҳам присяжнийлар мавжуд эмас.

1923 йилда присяжнийлар суди таъсис этилди, бироқ присяжнийлар суди томонидан чиқарилган ҳукм устидан шикоят келтириш мумкин

¹ Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик. - Т.: ТДЮИ, 2005. 446-бет

бўлмаганлиги сабабли иши присяжнийлар иштирокида кўрилишига ҳаққи бўлган шахсларнинг 99% улардан фойдаланишдан бош тортганлар. 1946 йилдаги Конституцияда ва ундан кейинги қонун ҳужжатларида присяжнийлар суди тўғрисида сўз юритилмаган.

Конституциявий назорат, яъни қонун ҳужжатлари ёки маъмурий актларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш фақат Олий суд томонидан эмас, балки қуий турувчи судлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин, уларнинг айримлари сўнгги ўн йилликлар ичida ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга дахлдор муҳим хукумат қарорларини Конституцияга зид деб топиш тўғрисидаги ўта илғор нуқтаи назардаги қарорларни бир неча бор қабул қилганлар. 1947 йилдан Японияда маъмурий адлия тизими мавжуд эмас, шу сабабли маъмурий органларнинг хатти-ҳаракатлари устидан келтирилган шикоятлар биринчи инстанцияда ҳудудий судларда фуқаролик ишларининг бир тури сифатида кўриб чиқилади.

Японияда прокуратура ўз аҳамиятига кўра муҳим ҳисобланган адлия вазирлиги тизими таркибиغا киради (вазирлик юритувида бундан ташқари, иммиграцион хизматлар ва “қўпорувчи ташкилотлар” устидан назорат, қамоқхона муассасалари бор). Прокуратура бош прокурорга бўйсунувчи марказлашган ташкилот бўлса-да, унинг тузилиши аввало, суд тизимига мувофиқлаштирилган: Олий суд қошида, юқори, ҳудудий, оилавий ва бошқа судлар қошида (бош) прокуратура хизматлари мавжуд. Прокурорлар энг муҳим жиноят ишлари бўйича чекланган миқдорда тергов олиб борадилар, қолган барча ишлар юзасидан полиция ўтказадиган суриштирув ва тергов устидан, ҳамда жиноий жазоларни ижро қилиш устидан назорат олиб борадилар¹.

Улар зарур ҳолларда жиноий таъқибни кўзгайдилар, айблов хулосасини тузадилар, уни судга берадилар ва судда айбловни қўллаб-

¹ Додонов В.Н.Прокуратуры стран мира. Справочник. //Под общей научной ред. проф. С.П. Щербы. – М.: Юрлитинформ, – 2006. – С. 236.

кувватлайдилар, шунингдек, судда фуқаролик ишларини муҳокама қилишда “жамоат манфаатларини” ҳимоя қиласидилар.

Судлов ишларини юритишнинг амалдаги қоидаларига мувофиқ, прокурор айбланувчи ва унинг ҳимоячисига ўзида бўлган барча далилларни тақдим қилишга мажбур бўлмаганидек, айбланувчининг фойдасига амал қилувчи далилларни, шу жумладан унинг алибисини тасдиқловчи далилларни яшириши мумкин. Прокурор шунингдек, суд муҳокамасигача судьяни ҳам иш материаллари билан таништиришга мажбур эмас, у судьяга бошқа ҳеч қандай ҳужжатларсиз айблов хулосасининг ўзинигина беради. -

Японияда барча судьялар ўз лавозимларига 10 йил муддатга тайинланадилар. Тайинланишлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан, аксарият судларда Олий суд тузган номзодлар рўйхати асосида амалга оширилади (Олий суд раиси император томонидан тайинланади). 10 йил ўтгач, судья ўз лавозимиға қайта тайинланиши мумкин, бу жараён қонунда белгиланган истеъро ёшига (65 ёки 70 ёш) етгунча давом этади. Конституцияда судья нуфузини оширишга қаратилган қатор чоралар кўзда тутилган¹.

Хусусан, Олий суд аъзолигига тайинланишдан олдин Вакиллар палатасига ўtkaziladigan nавbatdagi сайловлар давомида “халқ кўриги”дан ўтиш лозим. Агар сайловчиларнинг аксарияти бирор-бир судьяни ишдан четлатишни талаб қиласа, у ҳолда ўша судья ўз лавозимидан маҳрум бўлади. Бундай процедура ҳар ўн йилда қайтарилади. Мазкур қоидалар ташқи томондан жуда самарали кўринса-да, кўпчилик япон давлатшунослари бунга жиддий шубҳа билан қарайдилар, чунки сайловчиларнинг кўпчилиги Олий суд аъзоларини яхши билмайдилар ва овоз беришга жиддий аҳамият бермайдилар².

¹ Хасэгава Масаясу Нихон-Но Кэмпо (Японская Конституция). – Токио. 1977. - С 8

² Рахманова С.М. Судебные системы зарубежных стран. Учебное пособие. - Т.: Адолат, 2005. – С. 150.

Барча судлар судьялари ўз вазифаларидан ошкора муҳокама қилиш натижасида импичмент жараёнига мувофиқ четлатилишлари мумкин (импичмент жараёни судьяни айблаш парламентнинг маҳсус органлари томонидан муҳокама қилинишини билдиради).

§ 2. Японияда судьялар корпуси шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар бир давлатда турли хил ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мавжуд: сурештирув ва тергов органлари, прокуратура, адвокатура, нотариус ва бошқалар. Шу органлар ичида суд алоҳида ва муҳим аҳамиятга эга. Зеро, суд давлат ҳокимиятларидан биридир. Бошқа юридик муассасалар давлат ҳокимиятларининг бири сифатида намоён бўла олмайди. Суд ҳокимияти мустақил давлат ташкилотини ташкил этувчи муассасалардан иборат. Суд ҳокимиятининг ҳолати, жамиятда унга бўлган муносабат, унинг ривожланиш йўналиши етарли даражада жамиятнинг барча соҳаларига катта таъсир қиласи. Ҳар бир шахс судга мурожаат қилганида масаласи одил тарзда ҳал бўлишига амин бўлиши керак. Қолаверса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, ўзаро можаролар оқилона тарзда ҳал қилиниши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир. Умуман, суд кораловчи ёки жазоловчи орган эмас, балки бузилган ҳуқуқларни қонуний йўллар билан қайта тикловчи органдир. Шу ўринда айтиш лозимки, айрим олимлар фикрича, демократик тузумга эга бўлган давлатларда суд фаолияти муаян даражада Конституция ва қонунлар билан тартибга солинади¹. Бу Япония

¹ Б.Исмоилов Правовая регламентация организаций и деятельности судов: зарубежная конституционная практика // Давлат ва ҳуқуқ.-2004. -№4, -С. 67-69

суд тизимиға ҳам тааллукли бўлиб, Конституциянинг 6-боби(76-82 моддалар) бевосита суд ҳокимиятига бағишланган.

Суд ҳокимияти ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи ҳокимиятта ўз таъсирни кўрсата олади. Қонун чиқарувчи ҳокимият судлар системаси (Олий суд, Конституциявий суд) орқали назорат суд-давлат қонуни билан мустаҳкамланган процессуал тартибда жиной, фуқаролик, маъмурий ва бошқа категориядаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни амалга оширувчи давлат органи. Суд одатий ва фавқулодда турларга бўлинади.

Одатий суд умумий ваколатли ва ихтисослашган турларга бўлинади. Демак, суд бу – давлат томонидан ўрнатилган қонунларнинг бузилишига қарши юридик санкциялар қўллаш ёрдамида жазо тайинлайдиган давлат органидир. Агар қонун чиқарувчи ҳокимият парламент томонидан, ижро этувчи ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилса, суд ваколатлари бир ёки икки суд томонидан амалга оширилмай, балки бутун суд ҳокимияти тизимини ташкил этувчи судлар томонидан амалга оширилади. Судларнинг ўзаро можароларни кўриб чиқиши, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга қонун нормалари мувофиқ ҳолда жазо тайинлаш фаолияти одил судлов деб аталади. Суд ҳокимиятининг асосий таркибий қисмларидан бири шундан иборатки, унинг амалга оширилиши фақат маҳсус таъсис қилинадиган давлат органлари-судларга ишониб топширилади¹.

Бошқача айтганда, қонунларнинг суд томонидан қўлланиши ўзи судларнинг фаолияти ва тор маънода одил судлов деб аталади. Шу билан бирга, бу тушунчани кенгроқ маънода тушуниш лозимки, одил судлов бу судлов фаолиятини тўғри, оқилона ва одилона амалга оширишдир. Судлар фаолияти бошқа ташқи қучлар таъсиридан мустақил олиб борилиши, яъни суд ваколатларини қонун асосида амалга оширишидир. Суд ҳокимияти икки асосий функцияни бажаради. Биринчи функция-бу давлат ҳокимият органлари ўрнатган қонун ва қоидаларни бузганларни жазолаш. Иккинчиси-

¹ Абдумажидов.Ғ. ва бошқ. Ўзбекистонда суд ҳокимияти ислоҳотлар даври. – Т.: Адолат, 2002. 15 -бет

давлат ва фуқаролар ўртасида келиб чикқан баҳс ва можароларни кўриб чиқиши ва ҳал этишдир. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, Япония судлов тизимининг олий органи бўлмиш Олий Суд юқоридаги функциялардан ташқари судьялар, терговчилар, прокурорлар учун мажбурий бўлган иш қоидаларини ҳам қабул қиласиди¹. Шундай қилиб, суд давлат органлари ва фуқароларнинг ўртасидаги низоларни нафақат давлатнинг фуқарога нисбатан эътирози бўлганда, балки фуқароларнинг давлат органларига эътирози бўлганда ҳам кўриб чиқиши шарт. Ҳақиқий мустақил ва одил суд жамият аъзоларини ҳукуқбузарликларга бўлган тажовуздан сақлаш билан бирга, инсонларни давлат органлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган суистеъмолдан ҳимоя қиласиди.

Бундан ташқари суд ҳақида гап кетганда, айтиб ўтиш лозимки, баъзи муаллифлар суд ҳокимиятини ҳокимиятлар учлигида энг кучсиз ҳокимият деб ҳисоблашади. Чунки, қонун чиқарувчи органдан фарқли тарзда сайловчиларнинг эркин иродаларини намоён этишга асосланмайди. Ижро этувчи ҳокимиятдан фарқи эса ўз куч тизимиға (полиция, армия) эга эмас. Аслида бошқача ёндашиб қаралганда, суд ҳокимиятининг кучи мажбурлов аппаратига эмас, балки обрў ва ҳурматга асосланади. Агар суднинг обрўси (авторитети) бўлмаса, у ҳалқ олдида ҳам, давлат органлари олдида ҳам ҳеч нима эмас. Мустаҳкам демократик анъаналарга эга мамлакатларда суднинг қарори бажарилади, гарчи у одил бўлмасада. Бу ерда суд қарорининг кучи қонуннинг кучи билан teng. Демократик тамойиллар мавжуд бўлмаган мамлакатларда суд қарорлари тан олинмайди. Бу давлатларда реал суд ҳокимияти йўқ. У ерда суд маъмуриятнинг қўштириноқ ичидаги одилликни ўрнатувчи қурол бўлиб хизмат қиласиди.

Суд ҳокимияти ва одил судлов тушунчалари бир-бирини алмаштириб, тўлдириб турувчи тушунчалардир. Бу борада айрим олимлар фикрича, суд

¹ Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2005. - 446 бет

ҳокимияти қонунга бўйсундирилган ва суд ишларини юритиш тартибida қонунни қўллашга даъват этилган органлар тизимини ташкил этади¹.

Бу бир хил тушунчани турли йўллар билан берилишидир. Суд ҳокимияти одил судловни бажариш орқали амалга оширилади. Бу одил судлов фуқаролик, жиноий, маъмурий ва конституциявий соҳаларда олиб борилиши мумкин. Суд ҳокимияти мураккаб ва кўп элементли тушунча. Лекин бу кўп элементлар ичида уларнинг марказини одил судлов фақат суд томонидан олиб борилади деган қоида эгаллаб туради. Яъни одил судловни давлатнинг шу фаолиятни олиб боради деб тан олинган шахслар бажаради. Албатта бундай шахслар маҳсус тайинланиш ёки сайланишдан жараёнидан ўтади, тааллуқли таълимга, тажрибага ва ахлоқий хусусиятларга эга бўлади.

Суднинг фақат қонунга бўйсуниши, суд мустақиллигининг кафолатлари. Суд ҳокимияти бир қанча универсал принциплар асосида ташкил этилади. Биринчи ва энг асосий принцип суднинг мустақиллигидир. Суд давлат ҳокимиятлари бўлиниши принципига кўра уч ҳокимиятнинг бири бўлиб, қолган икки ҳокимият билан тенгdir ва улардан мустақил фаолият олиб боради. Иккинчи принцип - бу коллегиалликдир. Судда кўриладиган кўп ишлар судьялар коллегияси томонидан кўриб чиқилади, агар иш катта аҳамиятга эга деб ҳисобланса, албатта судьялар коллегияси билан кўрилиши шарт. Кейинги принциплардан бири бу профессионализмдир. Кўп мамлакатларда судьялар юридик маълумотга эга шахслар бўладилар, хусусан олий юридик маълумотга эга кишилардир. Суд қарорига шикоят келтириш ҳуқуқи принципига кўра, агар томонлар суднинг қароридан норози бўлсалар юқори турувчи судга шикоят билан мурожаат қилишлари, яъни аппеляцияга беришлари мумкин. Шунингдек, судда кўриладиган кўп ишлар ошкоралик принципига асосланиб кўрилади ва суд ишини кўришни истаган шахс иштирок этиши таъминланади. Бундан ташқари, томонларнинг

¹ Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. - Т.1. 1996. - С.158.

тенглиги ҳам суд ҳокимиятининг принципларидан биридир. Тортишувчанлик эса тенглик принципини тўлдириб туради.

Тарихдан маълумки, авваллари суд ҳокимиятининг ижтимоий вазифаси ҳокимият тепасида турган ижтимоий гурух манфаатларини ҳимоя қилиш ва фуқаролар қаршилигини синдиришдан иборат бўлган. Масалан, француз тадқиқотчиси Алексис де Токвиль ўзининг 1835 йилда чоп этилган китобида АҚШ суд ҳокимиятининг ижтимоий вазифаларини қуидагича ифодалаган:

“Хукумат ўз фуқаролари томонидан кўрсатиладиган қаршиликни енгишнинг икки усулига эга бўлади, яъни ўзлари эга бўлган моддий маблағларни харакатга келтириш ва муайян шахслар ёки гуруҳларга нисбатан қабул қилинган суд қарорлари.

Ўз қонунлари ижросини қурол кучи ёки зўравонлик билан таъминлайдиган ҳар қандай хукумат ҳалокатга учраши аниқ. Агар у заиф ва мўътадил хукумат бўлса, у сўнги имконият сифатида куч ишлатишга мажбур бўлади, бундай ҳолатларда баъзи бебошликларга эътибор берилмайди ва бундай давлатларда анархия юз беради. Агар хукумат кучли ва қатъий бўлса, у қундалик ҳаётда зўравонлик ишлатади ва тез орада ҳарбий (деспотик) хукуматга айланиб қолади. Унинг харакатлари ҳам, худди харакатсизлиги каби у бошқараётган аҳолини чорасиз шароитга олиб келади.”

Ҳар қандай анархия ёки ҳарбий диктатура шароитида ҳам хуқуқ ва қонун устуворлигини таъминлай оладиган давлат ҳокимиятини ўрнатиш учун халқ ўз ҳаракатини қўзғолонлар ва давлат тўнтарилишлари кўринишида амалга оширади. Шундай ҳолатларда "одил судловнинг олий мақсади зўровонлик ғоясини хуқуқ ғояси билан алмаштириш, хукумат ва у кўллайдиган куч ўртасида хуқукий тўсик ўрнатишдан иборатдир"¹.

Ҳақиқатдан ҳам, одил судловни амалга ошираётиб, суд ҳокимияти давлат зўровонлигини цивилизациялашган доирага киритади, айнан суд

¹ Де Токвиль А. Демократия в Америке. - М.: Прогресс, 1992. -С.120.

қонунни ҳурмат қилувчи фуқароларни давлат машинаси "ғилдираклари остига тушиши" хавфидан қутқарилишини кафолатлайди. Бу одил судловнинг ўта муҳим мақсади, лекин бу унинг ягона мақсади эмас.

Агар унинг мақсади шу билангина чекланадиган бўлса, унда суд ҳокимиюти, қанча цивилизациялашган бўлмасин, мохиятан у факат жазоловчи восита сифатида намоён бўлади. Тўғри, суд ҳокимиюти айбдор шахсларга нисбатан жазо тайинлайди, аммо унинг ижтимоий вазифаси факатгина шундан иборат эмас. Жамиятдаги муносабатларда жуда кўплаб конфликт (ихтилоф, низо) юзага келади. Бунда қонунга риоя қилмайдиган индивид (шахс) ва давлат ўртасидаги ихтилофлар асосий ўрин эгалламай, балки қонунни ҳурмат қилувчи фуқаро (шахс, индивид)нинг ҳукуқ ва эркинликлари давлатнинг хатоси, айниқса унинг зўровонлигидан ҳимоя қилиниши юзасидан келиб чиқадиган ихтилофлар долзарб ҳисобланади. Агарда А. Де Токвиль таъкидлаган ҳолатда суд "кулоқсиз"ларга қарши давлатнинг қуроли сифатида намоён бўлса, яъни у ҳукуқни давлат томонида эканини тасдиқлаган ҳолда давлатни фуқаролардан ҳимоя қилиш назарда тутилган бўлса, ҳозирда суд инсонни давлатдан ҳимоя қилиши лозим, ваҳоланки ҳукуқ инсон тарафидадир.

Бундан ташқари, бир қатор демократик мамлакатларда давлатнинг олий ҳокимият органлари ўртасидаги ихтилофлар, шунингдек, бир ҳокимият доирасидаги давлат органлари ўртасидаги ихтилофлар, давлат ва бошқа оммавий бирлашмалар (федерация субъектлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув жамоалари ва бошқалар) ўртасидаги низолар ҳам бошқа шаклда ҳал этилмаслиги сабабли суд ҳокимиюти томонидан ҳал этилади. Табиийки, суд хусусий субъектлар ўртасидаги низоларни ҳукуқ негизида ҳал этади, бу субъектлар фуқаролар бўладими, гурӯхларми ёки давлат органларими – бунинг аҳамияти йўқ, чунки уларнинг ўз ҳукуқларини ўзлари тасдиқлаши жамиятда тартибсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Суд ҳокимиятиянинг фаолиятига сиёсий омилнинг таъсири ҳақидаги масала ҳам долзарбдир. Мантиқан бундай таъсир мавжуд бўлиши мумкин

эмас. Ҳар қандай давлатдаги қонунчилик ҳокимияти, ижро ҳокимияти ёки улар таркибининг кўпчилик қисми нафақат сиёсий кучларнинг – гурухлар, партияларнинг бевосита таъсири остида бўлади, балки ўзлари ҳам фаол сиёсий куч ҳисобланади, суд ҳокимияти эса сиёсийликдан тўла чиқарилиши керак, акс ҳолда у бетараф (холис) бўла олмайди, ишни ҳал этаётганда эса у хукуққа эмас, сиёсий мақсадга амал қиласди.

Албатта, амалда суд ҳокимиятини сиёсатдан ҳоли этишнинг тўла иложи йўқ. Судьялар оммавий хукуқ соҳасига тааллуқли ишларни ҳал этаётганларида (оммавий хукуқни бежиз сиёсий хукуқ дейишмайди), ўзлари қабул қилаётган қарорнинг қандай сиёсий оқибатларга олиб келишини олдиндан билмасликлари ва қарор қабул қилаётиб бу оқибатларни ҳисобга олмасликлари мумкин эмас. Америкалик тадқиқодчи Ж. Уайт шундан келиб чиқсан ҳолда: “ҳаётда судьяларнинг мақсади умуман сиёсий масалаларни ҳал этишда бетараф бўлиш эмас, балки улар бундай масалаларни ҳал этишда ўзларининг сиёсий хайриҳоҳлиги ва партиявий эътиқодларини ошкора ифода этмаслигидадир” деб ёзади¹.

Ж. Уайт ўз фикрини аниқроқ ифодалashi лозим эди, чунки сиёсий мазмундаги ишларни ҳал этишда судья фақат ҳукуқни қўлламоғи лозим. Суд ўз қарорида сиёсий хайриҳоҳлиги ва партиявий эътиқодини умуман ифода этмаслиги лозим, акс ҳолда суднинг холислиги йўқолади.

Суднинг нуқтаи назари чегараси ўта ҳукукий бўлиши лозим. Акс ҳолда суд мустақиллигидан маҳрум бўлади ва бошқа ҳокимият органларининг оддийгина тобесига айланиб қолади. Бундай ҳолатни авторитар ва айниқса тоталитар режимларда кўп учратиш мумкин. Шундай тузумли мамлакатларда суд қўпинча сиёсий қасос олиш қуроли сифатида амал қиласди.

¹ Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлати) ҳукуки: ўқув қўлланма/ Масъул мухаррир: доцент Д.Қ.Ахмедов. – Т.: ТДЮИ, 2006. - 389- бет.

Умуман, суд ҳокимияти – бу муайян воситадир ва у билан ҳуқук ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади. Бу восита ягона эмас, лекин у низоли ҳолатларда энг кўп қўлланувчиидир. Агар томонлардан бири ёки уларнинг барчаси низода ҳуқуқни ижтимоий қадрият сифатида тан олмаса ёхуд ундаги меъёрларни ўзи учун эмас, фақат бошқалар учун деб билса, бу суд ҳокимияти фаолияти самарасиз олиб борилганидан далолат беради.

Суднинг ижтимоий вазифасида судга мурожаат қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бу суд фаолиятини қисман таъминлаш учун олинадиган тўлов ва бож тўловларида акс этади. Бож тўловлари - бу қўзғатилган моддий қийматли ишнинг бир қисмини ташкил қилувчи маблағдир.

Маълумки, суд ҳокимиятини таъминлаш давлатга жуда қимматга тушади. Суд ҳокимияти мансабдор шахсларининг маоши кўпинча бутун давлат аппаратида энг юқори турди, бундан ташқари қўриқлаш, имтиёзли нафақалар – буларнинг барчаси суд мустақиллиги кафолатлари жумласига киради. Масалан, 80 йилларнинг бошларида кўпчилик Америка ҳақамлик судларида - бир ойда камида минг доллар сарф қилинган. Суд мажлисининг 1 соати-250 доллар, айбни эътироф этишни расмийлаштириш мажлиси (20 дақиқалик) -75 доллар, вояга етмаганлар содир этган хатти-ҳаракат муҳокамаси–камида 50 доллар бўлган.

Юқорида айтиб ўтилган суд харажатларини қисман қоплашда аризачи мазкур сарф-харажатларнинг тўланишини таъминлаши ёки кафолатлаши лозим деган хulosага бориш керак эмас. Акс ҳолда одил судловдан фойдаланиш конституциявий ҳуқуқи тамойили ҳавода қолиб кетарди ва суд фақат жуда бой кишилар кира оладиган орган бўларди. Ундай шароитда ҳеч қандай демократия ҳақида сўз юритиш мумкин бўлмасди. Иккинчи томондан, ҳар қандай моддий жавобгарлиқдан ҳоли бўлиб одил судловга мурожаат қилиш судлар ишларининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам, одатда судга мурожаат қилиш давлат ёки маҳаллий бож тўланишини талаб қиласди, бундай бож унчалик катта

бўлмаслиги керак ва ютқазган томонга тўланадиган судлов харажатларига киритилади. Божлар суд ҳокимиятларининг ўзини ўзи қоплашини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўя олмаса-да, уни моддий жиҳатдан таъминловчи солик тўловчиларга енгиллик беради.

Суд ҳокимиятининг конституциявий тартибга солиниши хажми турлича бўлади. Шу ўринда, айтиб ўтиш жоизки, суд ҳокимиятини давлатда алоҳида ва мустақил бўлган тармоққа ажратиш назарияси антик даврдаёқ, вужудга келган эди¹. Бугунги кунда эса, жаҳонда, конституцияларда ҳокимиятнинг ушбу соҳасига ажратиладиган нормалар миқдорининг ортиб боришини таъкидлаш мумкин. Бироқ унинг ижтимоий вазифасига таъриф келтирилганлигига демократик конституцияларда камдан-кам дуч келинади, аммо давлат тузумига, ҳуқуқий тартибга нисбатан кулгили туюладиган, судларнинг тарбиявий аҳамияти ва вазифаларига асосий эътиборни қаратувчи конституциялар жуда кўп учрайди.

Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш бўйича юқорида келтирлган масаларни ўрганиш, қонунчилик лойхаларини таёrlаш учун тан олинган урф одатларимиз, анъаналаримиз билан бир қаторда бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганиш объектив зарурият ҳисобланиб, алоҳида аҳамият касб этади.

Тарихдан бизга маълумки, кўпгина давлатлар ўз миллий қонунчилигини шакллантиришда ўз маданияти, урф-одатлари ва анъаналари билан бир қаторда хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳам кенг фойдаланганлар

Шу боисдан Япония миллий ҳуқуқ тизимидағи судъялар корпусини шакллантиришни таҳлил қилиш биз учун муҳимдир. Ушбу тадқиқот фаолияти муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Япония халқаро ҳамкорлик агенти ўртасида 1996 йил 16 декабрьда имзоланган битимга мувофиқ, маҳсус дастурлар тузилиб,

¹ Абдумажидов F. ва бошқ. Ўзбекистонда суд ҳокимияти ислоҳотлар даври. – Т.: Адолат, 2002. 15 –бет.

иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш, бозор муносабатлари шароитида инсон омилини устуворлаштириш масалалари бўйича учрашувлар ўтказиш ва тажриба алмашлаш қўзда тутилган¹.

Япония суд кадрларини танлашда ҳозирги даврда ҳам амалда бўлган “Давлат хизматчилари тўғрисида”ги қонунга амал қилишади. Ушбу қонун 1947 йилда қабул қилинган. Мазкур қонуннинг биринчи моддасидаёқ, ходимлар ўз хизмат вазифаларини демократик асосда ва самарали ижро этишлари шартлиги уқтирилган. XX асрнинг 80-йилларида судьяларнинг сиёсий ҳаракатлар, давлат бюрократияси ва тадбиркорлик ҳаракатлари таъсирига берилмаслиги учун ушбу қонунга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Японияда судьяларга қўйиладиган асосий талаблар орасида, билим, касбий малака, ва умумий маданият биринчи ўринда туради. Бугунги кунда Япониядаги нуфузли юридик ўқув юртларининг битирувчилари давлатнинг ҳуқуқий муассасаларига ишга киришга интиладилар. Ҳолбуки, юридик амалиёт билан шуғулланувчи хусусий муассасаларда иш ҳақи давлат органларига нисбатан юқорироқдир².

Японияда судьялик лавозимига танлаш ва судьялар корпусини шакллантиришнинг ўзига хос хусусияти имтиҳонларнинг ўта қаттиқ ва жиддийлигидир. Нафақат судьялик балки, бошқа давлат органларига ишга киришда ҳам имтиҳонлардан ўтиш жуда қийин. Умуман олганда ҳар йили давлат органларига ишга кириш учун имтиҳон топширган кишилардан 10,5 фоизигина имтиҳонлардан мувафақиятли ўтиб давлат органларига ишга жойлашадилар.

Японияда судьялик лавозимини эгаллаш учун, шунингдек, прокурор ёки адвокат бўлиш учун қатъий танлов қоидалари белгиланган. Кўрсатилган уч йўналишнинг бирида ўзини амалий фаолиятга бағиашлашни хоҳлаган япон университетлари юридик факультетларининг битирувчилари адлия

¹ Вафоқулова Н. Японияда давлат хизматчиси. //Қонун ҳимоясида. -2001, -№2 -41-бет

² “Тафаккур” журнали, -1995, -№2. - 42 бет.

вазирлиги махсус комиссияси томонидан ҳар йили ўтказиладиган имтиҳонлардан ўтишлари лозим. Бу комиссия қўядиган талаблар шунчалик юқорики, имтиҳон топширувчиларнинг 2-3%гина бу талабларга жавоб беради.

Ишга қабул қилингандан сўнг мансаб лавозимларидан юқорилатишда ҳам муаян тартиб ўрнатилган. Олий Суд Судьяларидан бошқа судьяларнинг ўз лавозимига лойиқлиги ва мансабини юқорилатиш масласини мамлакат миқёсида Давлат хизматчилари иши бўйича палата, жойларда шу хилдаги комиссиялар ҳал қиласидар. Банд бўлмаган ёхуд яқин вақтда бўшаши кутилаётган мансабга даъвогарлар истисносиз равищда ёзма ёки оғзаки шаклдаги танлов имтиҳонларидан ўтишади. мазкур имтиҳондан ўтгандан кейин ҳам мутахассис иш жойига боргандан кейин олти ой муддатда синовда бўлади.

Японияда суд ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига таълим беришда “давлат хизматчиларининг аҳлоқи” номли махсус курс ўтилади. Ушбу курсни ўтишдан мақсад фақат маъмурий органлар ходимларининг аҳлоқий даражасини юксалтиришдан иборат бўлиб қолмай, айни пайтда жамият аъзоларида уларга нисбатан ишончни мустаҳкамлашдан иборат

Японияда професионал юристлар корпорацияси ўз ҳамкаслари сонини атайлаб чеклайди: 120млн. аҳолиси бўлган мамлакатда 2000 судья, 2100 прокурор, 12000га яқин адвокат бўлиб, бу бошқа капиталистик мамлакатлардагидан анча камдир. Японияда янги кадрларнинг асосий манбай бўлмиш адлия ходимларини тайёрлаш курслари ғалвиридан йилига кўпич билан 500 киши ўтади¹.

¹ Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник). - М.: Юрлит. 1993, - С. 249-251

§3. Японияда судлар томонидан ўлим жазоси тайинлашнинг ва уни ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасида барча соҳалар қатори суд-хуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий омили бу-инсон, унинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мустаҳкам кафолатларини яратишдан иборатдир. Ана шу мақсадда жиноий жазоларни янада эркинлаштириш соҳасида изчил амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида жиноий жазоларни янада либераллаштириш жараёнининг таркибий қисмларидан бири ўлим жазосини бекор қилиш ва уни муқобил жазо турлари билан алмаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатнинг бирринчи Кўшма мажлисида бу масала хусусида шундай деган эдилар: “Суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал қилишимиз лозим бўлган яна бир масала-бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир.

Бу ўринда гап айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда”¹.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш ва бу борада ислоҳотлар ўтказиша хориж тажрибасини ўрганиш мухим аҳамиятга эга.

¹ Каримов.И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. - Т.Ўзбекистон. 2005.1 - 188-бет

Сўнгги йилларда жаҳонда аболиционистлар, яъни ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш тарафдорлари доираси кенгайиб бормоқда. Ушбу ҳаракатнинг ривожланишида Халқаро амнистия ташкилотининг ўрни бекиёсдир. Ушбу ташкилотнинг асосий фаолият йўналишларидан бири, бу-турли мамлакатларда ўлим жазосини тайинлаш ва уни ижро этиш амалиётини ўрганиб бориш, умумлаштириш ҳамда жаҳон афкор оммасига ўз холосаларини етказишдан иборат.

1996 йилда Лондонда Роджера Зуданинг ўлим жазосини тадқиқ қилишга бағишлиланган монографияси эълон қилинди. Унда таъкидланишича, Дуне мамлакатлари ичида ўзида ўлим жазосини бекор қилган давлатлар сони тобора ошиб бормоқда. Хорижий мамлакатларда ўлим жазосини ижро этиш бўйича давлатларнинг бир неча гурӯҳларини фарқлаш мумкин.

1.Ҳеч қайси жиноят тури учун ўлим жазосини қўлламайдиган давлатлар.

1995 йилга келиб, ушбу гурӯҳга кирувчи мамлакатлар сони 60 тага етган. Ҳозирда эса, жаҳонда ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш амалиёти кенг тарқалиб, қисқа давр ичида кўплаб мамлакатлар жазонинг ушбу туридан воз кечмоқдалар.

2.Ушбу гурӯҳдаги давлатларда эса, оғир ёки ўта оғир ҳолатларда содир этилган жиноятлар ҳамда ҳарбий жиноятлар учун ўлим жазоси тайинланади.

Ҳатто яқин-яқинларгача ҳам баъзи Европа давлатларида, хусусан Буюк Британия, Греция, Кипр, Малтада ҳам ушбу амалиёт кенг қўлланиб келган.

3.Ушбу гурӯҳни ташкил қилувчи мамлакатларда жазолар тизимида сақланиб қолган ҳолда, уни амалиётда узоқ муддат мобайнида қўллаган эмаслар¹.

¹ Жиноий жазони ижро этиш: муаммо ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2006. 90- бет

Япония Жиноят кодексида жиноий жазоларга оид нормалар иккинчи бобда акс этган. Ушбу жазолар жиноят содир этганлик учун қўлланадиган жиноий-хуқуқий таъсир чораларининг асосий ҳамда қўшимча турларини кўзда тутади. Бу бобнинг 9-моддасида ўлим жазоси асосий жазо тури сифатида кўзда тутилган.

Япония Жиноят Кодекси нормаларини кўриб чиқадиган бўлсак, ушбу жиноий жазо тури ўттизта жиноий қилмиш учун кўзда тутилган. Ушбу жиноий қилмишларнинг айримларини келтириб ўтадиган бўлсак, улар давлатга тажовуз қилиш(ички исёнлар ёки ташқи ҳарбий агрессияни ташкил қилиш ёки унда иштирок этиш), жамоат жойларида портлатишларни уюштириш, одамлар ўлимга олиб келувчи темирийўл ва бошқа транспорт ҳаракатларини издан чиқариш, ичимлик суви манбаларини заҳарлаш, қотиллик, босқинчилик, номусга тегиш ва бошқа қонунда кўзда тутилган жиноий қилмишлардан иборат¹.

Биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, ушбу жиноий қилмишлардан фақат битта қилмиш-чет давлатлар билан Японияга қарши ҳарбий агрессия уюштириш мақсадида келишувлар олиб бориш(Япония Жиноят Кодекси 81-моддаси) учунгина ўлим жазоси мутлоқ жазо тури сифатида кўзда тутилган. Колган барча жиноий қилмишлар учун ўлим жазоси муқобил жазо тури сифатида қўлланади².

Жиноят Кодексидан ташқари ўлим жазосини қўллаш асослари бошқа маҳсус қонунларда ҳам кўзда тутилган.

Ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган ишлар биринчи инстанцияда ҳудудий судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Ҳудудий судларнинг ўлим жазоси тайинланган қарорларига келтирилган апелляция шикоятлари ҳудудийлик бўйича Япониядаги 8 та юқори суднинг биттаси

¹ Наказание в уголовном праве Японии // Юридические механизмы защиты прав и свобод человека и гражданина: региональные проблемы: Сборник материалов межрегиональной науч.-практической конференции. 1998. /Под науч. ред. проф. В.Н. Ширяева, С.В. Нарутто. – Хабаровск: - С 244-247

² Уголовный кодекс Японии. Пер. с японского В.Н. Еремина. - СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. -С.48

томонидан, ундан кейин Япония Олий Суди томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Апелляция шикояти берилмаган ҳолларда ҳам процесс қайтадан бошланиши мумкин. Бундай қилиш учун ишга оид янги далилларнинг пайдо бўлганлиги ёки биринчи инстанция судининг қарори учун асос бўлган далилларнинг ҳақиқий эмаслиги фактларининг ошкор бўлиши асос бўлади. Япония Конституциясининг 7-моддасига мувофиқ, амнистия ҳақидаги, жазоларни алмаштириш ва ижро этишни кечиктириш хусусидаги қарорлар ҳукumat тақдимиға биноан император томонидан қабул қилинади. Ўлим жазосига ҳукм қилингандарга нисбатан инсонпарварлик тамойилларини қўллашда ҳукumat жиноятчиларни реабилитация қилиш Миллий Комиссияси билан келишилган ҳолда иш олиб боради. Жиноятчиларни реабилитация қилиш Миллий Комиссияси Адлия вазирлиги қошида иш олиб борувчи расмий органдир.

Япония Жиноят-Процессуал Кодексининг 475-моддасига мувофиқ, ўлим жазосини тайинлаш ҳақидаги қарор қабул қилингандан кейин 6 ой мобайнида ижро этилиши лозим. Аммо ушбу олти ойлик муддат апелляция босқичида суд қарорларини кўриб чиқишда амнистия боис кечиктирилиши мумкин. Ўлим жазосини ижро этиш адлия вазирининг тегишли буйруғи асосида ижро этилади. Бундай буйруқ чиқарилгандан кейин ҳукм беш кун мобайнида ижро этилиши лозим. Шу боисдан, олимлар фикрича, маҳкумнинг тақдири кўпинча амнистия актларидан ташқари адлия вазирининг қандай йўл тутишига ҳам боғлиқ бўлади.

Жиноят Кодексининг 11-моддасида ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазо осиб ўлдириш тариқасида ижро этилиши, маҳкум ижрогача турмада сақланиши лозимлиги кўрсатилган.

Маҳкумга жазонинг ижроси ҳақида хабар беришиш ҳолатлари ва маҳкумнинг ҳулқидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Жазони ижро этиш чоғида прокурор ёрдамчиси иштирок этади ва ҳисобот ёзади. Ушбу ҳисобот турма бошлиғи ёки унинг вакили томонидан ҳам

имзоланади. 1947 йил 27 декабрдаги тегишли бүйруққа биноан ўлим олдидан маҳкумнинг ҳолатини текшириш учун врачлар иштирок этадиган бўлди¹. Врач жазо ижро этилиб бўлингандан сўнг тиббий ҳисобот тузиб, уни адлия вазирига тақдим қиласди. Қатл жараёни Японияда бутунлай маҳфий равишда бўлиб, унинг бундай ташкил этилганлигини адлия вазирлиги маҳкумнинг қариндошлари шаъни ва қадр-қимматини камситмасликлик мақсадлари билан изоҳлайди. Япон олимларининг фикрича, Японияда ўлим жазосининг мавжудлиги Конституция қоидаларига унчалик мос эмас. Чунки Япониянинг амалдаги Конституцияси инсонларнинг яшашга бўлган ҳуқуqlари ҳимояланиши ва шавқатсиз жазо турларининг таъкиқланиши айтилган.

Япония Олий суди ўлим жазосининг конституцияга мослиги бўйича бир неча бор муҳим қарорлар қабул қиласди. Бу қарорлардан биринчиси 1948 йил 12 марта қабул қилинган. Унда айтилишича, ўлим жазоси тегишли қонунларга мувофиқ, чиқариб ташланиши мумкин. Ўлим жазоси фақатгина жамиятни ўта оғир жиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадидагина қўлланилиши лозим. Ўлим жазоси бўйича Япония Олий Судининг иккинчи қарори 1951 йил 18 апрелда қабул қилинган. Ушбу қарори билан суд ўлим жазоси урушнинг олдини олиш ҳақидаги конституция қоидаларига зид эканлиги хусусидаги даъволарни рад қиласди. Бундан ташқари, қарорда Олий суд шуни таъкидладики, осиб ўлдириш тариқасидаги ўлим жазоси шавқатсиз эмас ва конституция қоидаларини бузмайди. Суд шуни таъкидладики, осиб ўлдиришни амалиётда мавжуд бўлган бошқа жазо турларига нисбатан шавқатсиз деб ҳисоблашучун асослар йўқ. 1961 йил 19 июлда қабул қиласди қарорида суд осиб ўлдириш тариқасидаги қатл судлов жараёнининг ўрнатилган тартибини бузмаслигини тасдиқлади. Япония Олий Суди 1983 йил 8 июлда ўлим жазоси хусусида ўзининг қуйидаги қарорини қабул

¹ Те. И. Б .Проблемы назначения, исполнения смертной казни и других видов уголовного наказания по законодательству современной Японии: Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук. - Владивосток, 2005. – С. 18.

қилди: “Амалдаги қонунчилиқда ўлим жазосининг сақланиб қолиши ва унинг қўлланилиши ўта оғир жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги, жиноий ҳаракатларнинг хусусиятлари, жиноий қилмишнинг сабаб ва ҳолати, унинг оғирлик даражаси, ижтимоий таъсири, жиноий қилмишдан кейин юз берган ҳолатларга асосланади”¹.

Бирор, бугунги кунда Япония адлия вазирлиги ва Япония Олий Судининг кўпчилик ходимлари ўлим жазосини бекор қилишни таклиф қилмоқдалар.

Улар ўлим жазоси ўрнига босқичма-босқич бошқа, инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлайдиган жазо турларига ўтишни таклиф қилмоқдалар.

¹ Те. И.Б. Проблемы назначения, исполнения смертной казни и других видов уголовного наказания по законодательству современной Японии: Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук. - Владивосток, 2005. – С. 24.

ХУЛОСА

Япония миллий суд тизимини қиёсий-хуқуқий тадқиқ қилганда анъанавий, тарихий, норматив ва социологик усуллар билан уни ўрганиш қўйидаги хulosаларни чиқариш имконини берди:

1. Япония суд тизимининг шаклланишида муаня даражада тарихий анъаналарга риоя қилинади. Бу ҳолат айниқса, Япония Олий суди Бош судъясининг Вазирлар Маҳкамаси тақдимиға биноан Япония императори томонидан тайинланишида акс этган;
2. Японияда суд органларининг мақоми бевосита конституциявий нормалар билан белгиланади(КонституциянингVI боби 76-82 моддалари бевосита суд ҳокимиятига бағишлиланган)¹;
3. Японияда судьяларнинг кундалик иш фаолиятини ташкил этишда, уларнинг терговчилар, прокурорлар, адвокатлар билан иш жараёнидаги муносабатларини тартибга солишда Япония Олий Судининг қарорлари асосий манба ҳисобланади;
4. Японияда суд органларини шакллантиришда ижроия ҳокимият органларининг муаян таъсири мавжуддир. Бу ҳол деярли барча судьяларнинг Вазирлар Кенгаши томонидан тайинланишида акс этади;
5. Японияда суд ҳокимиятининг конституциявий муддатини давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари конституциявий муддати билан таққосладиган бўлсак, суд ҳокимиятининг конституциявий муддати анча ортиқдир (Япония парламентининг қуи палатаси депутатлари тўрт йилга, юқори палатаси аъзолари олти йилга сайланади. Ижро ҳокимияти(Вазирлар Кенгаши)нинг фаолият кўрсатиш муддати қўпгина ҳолларда парламент қуи палатасининг ваколат муддатига боғлик бўлади);
6. Японияда вояга етмаганлар жиноятчилиги ва оилавий низоларга оид ишлар маҳсус судлар-оилавий судлар томонидан кўриб чиқилиши вояга

¹ Хасэгава Масаясу Нихон-Но Кэмпо (Японская Конституция). - Токио 1977. - С 8

етмаганлар жиноятчилигини камайтириш ва олдини олишда, оилавий низоларни камайтиришда, унинг салбий таъсирларини олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда;

7. Японияда суд кадрларини шакллантириш ҳуқуқшунос кадрлар таълим олиш жараёнининг узокқа чўзилганлиги, судьялик лавозимига номзодлар учун жиддий ва давомли имтиҳонларнинг ўтказилиши билан фарқланади;

8. Бугунги кунда Япония Жиноят Кодексида ўлим жазоси 30 та жиноий қилмиш учун қўзда тутилган бўлсада, бу жазони тайинлаш ва уни ижро этиш камдан-кам ҳолларда ижро этилади.

XX асрнинг 60-йиллари гача Японияда жиноятчиликнинг ҳолати ва ўсиш кўрсаткичлари бошқа ривожланган давлатлар билан бир хил даражада эди. Айрим жиноятчилик турлари бўйича, мисол учун, қотиллик жиноятларини содир қилиш кўрсаткичлари бошқа ривожланган давлатлардагига нисбатан юқорироқ эди.

XX асрнинг охир охирги чорагидан бошлаб, Японияда жиноятчилик ҳолати, унинг ўсиш кўрсаткичлари ўзгармасдан қолмоқда. Япониядаги бу ҳолатни тадқиқ қилган халқаро эксперталар ҳам Япония жиноятчиликка қарши кураш бўйича сиёsatни мунтазам ва самарали амалга ошириб келаётганлигини таъкидламоқдалар.

Япон олимлари ушбу ҳолатнинг иккита асосий сабабни кўрсатадилар;

Биринчидан, мавжуд бўлган жиноий судлов тизимининг ҳақиқатдан ҳам ўзининг қонуний функцияларини амалга ошириши;

Иккинчидан, иқтисодий тараққиёт натижаларининг адолатли тақсимланиши¹.

Албатта келтириб ўтилган сабалардан ташқари япон халқининг ўзининг бутун тарихи давомида миллий қадриятларни сақлаб қолган ҳолда

¹ Морозов Н. А. Сравнительно-правовой анализ преступности в современной Японии. Науч. ред. проф. Р.И. Михеев. - Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 1997. - С 127

ўз халқлар маданияти ва аҳлоқининг ижобий хусусиятларини ўзлаштирганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган¹.

Бу ҳолат шубҳасиз, Япония суд тизимини ташкил қилишда ҳам ўз аксини топди. Япония суд тизимининг бугунги фаолиятида англо-саксон ва роман-герман хуқуқ тизимларининг ижобий таъсирини ва япон халқининг миллий қадриятларига мос бўлган шакллар(оила судларининг фаолият кўрсатиши, суд низолари томонлар муросаси асосида ҳал қилиш учун хуқуқий асосларнинг) мавжудлигини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари бутун дунёда ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар ўсиб бораётган шароитда ҳам Японияда ёшлар хуқуқбузарлиги ва жиноятчилигининг келгусидаги ўсиш кўрсаткичларини таҳлил қилган олимлар ушбу кўрсаткичлар келгусида ҳам ўзгармаслигини айтишмоқда.

Японияда жиноятчиликнинг ўсиш кўрсаткичларининг бошқа давлатларга нисбатан барқарорлиги мамлакатдаги ижтимоий қадриятлардан ташқари давлатнинг жиноий сиёсати-жиноятчилик устидан давлат назоратига ҳам боғлиқдир.

Японияда бу соҳадаги давлат сиёсатининг муваффақиятли бўлишини олимлар давлат олиб бораётган сиёсатнинг анъанавий ижтимоий назорат шаклларига мослиги билан изоҳлайдилар².

Япония судлов тизимини тадқиқ қилган олимлар япон судьяларининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш борасидаги фикрларининг ўзгачалигини аниқлаганлар.

¹ Цусима Кэндо. Нихондзин-о кангаэрү. Хикаку синри-но тачиба-дэ (Цусима Кэндо. Расмышления о японцах с позиций сравнительной психологии). Токио: Дай Нихон тосё, 1977. С.27.

² Михеев Р.И., Морозов Н. А., Коидзуми Е. Международное сотрудничество в России и стран АТР в сфере уголовной политики, борьбы с преступностью и ее предупреждения. // Социально - экономические и политические процессы в странах АТР. Мат. межд. науч.-практ. конф., 23 апр. 1997 г., г. Владивосток. - Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 1997. Кн. первая. С.63-65; Плешкова О. Преступность в Японии и в России. Актуальные проблемы международного сотрудничества России со странами АТР. // Новый Уголовный кодекс России /Идеологическая концепция уголовного законодательства: проблемы теории, законотворчества, правоприменения и образовательного процесса Высшей школы. // Мат. науч.-практ. конф., г. Хабаровск, 16-17 окт. 1997 г. - Хабаровск: Хабаровская Высшая школа МВД России, 1997.

Япон судьяларининг фикрича, жиноятчиликка қарши курашда жиноий-хуқуқий воситалар жиноятчиликка қарши кураш ва унинголдини олишда асосий воситалар бўлмай, балки жиноятчиликка қарши курашда ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишни такомиллаштириш асосий воситадир.

Япон судьялари жамиятдаги ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилиш учун давлат ва жамиятдаги барча воситалардан фойдаланиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Япониядаги судлов тизимиning яна бир ўзига хос томони шундан иборатки, судлов тизими учун “давлат-хуқуқий” тартибга солишдан ташқари, ижтимоий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, судлов тизимиға оид нормаларнинг аксарияти япон ҳалқи миллий менталитетига мослиги ва айрим судьялик лавозимларининг бевосита оддий фуқаролар томонидан сайланиш асосида эгалланиши кўзда тутилади.

Япония суд тизимида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда самарадорлик сабабларидан яна бири жиноий жазоларни кучайтириш ўрнига ижтимоий назоратнинг барча шаклларининг кенгайтирилганлигидир.

Япония судларида ишларни кўриб чиқиша қўйидаги қоида амал қиласди. “Агарда фуқаронинг манфаатларини минимал даражада чеклаш билан масалани ҳал қилиш мумкин бўлса, фуқаронинг манфаатларини кенгроқ даражада чеклайдиган чоралардан фойдаланиш мумкин эмас”¹.

Таъкидлаш лозимки, ушбу қоиданинг қўлланилиши ниҳоятда юқори самарадорликка эга. Чунки, бугунги япон жамиятида жиноятчилик устидан анъанавий(норасмий) назорат ниҳоятда кучли.

Японияда бугунги кунда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳуқууни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аҳолининг деярли барчасини

¹ Морозов Н. А., Коидзуми Е. Преступность. Уголовная политика. Уголовное право Японии. // Актуальные проблемы юридической науки и практики в условиях становления в России правового государства. Мат. XXXVIII научной конференции ДВГУ, Владивосток, 29-30 апр. 1996 г. - Владивосток: Изд. гр. «ВИТ», 1997, - С. 38-40

жалб қилган ҳолда ўтказиладиган профилактика ишлари муҳим аҳамиятга эга. Япония полициясининг энг катта тузилмалари мана шу ишга жалб қилинган.

Японияда аҳолининг судьяларга, шу жумладан ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларига бўлган муносабати ниҳоятда самимийлиги билан бошқа давлатлардан ажралиб туради.

Фикримзга мисол сифатида айтадиган бўлсак, 1996 йилда ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида Японияда учта полиция ходими ҳалок бўлган. Уларнинг иккитаси ҳам табиий оғатлар жараёнида қурбон бўлган. Қиёслаш учун айтадиган бўлсак, Россия Федерациясида 1996 йилнинг ўзида ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан 319 милиция ходими ҳалок бўлган ва 610 та ходим турли даражада яраланган¹.

Япониядаги судлов тизими самарадорлиги сабабларидан яна бири маҳкум жазони ўтаб бўлгандан сўнг, уни ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминловчи тузилмалар фаолиятининг такомиллашганлигидир.

Бундан ташқари, Япония судларида такрорий жиноятларнинг олдини олиш, маҳкумни “жиноий қонунлар” таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, жамиятдан қочувчи жиноий ҳулқ-атвор шаклланишининг олдини олиш мақсадида жиноят содир қилган шахсларга иложи борича қонундан келиб чиқсан ҳолда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш қўлланади

Бундан ташқари, такрорий жиноятларнинг олдини олиш учун шартлиозод қилинган ва муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар билан кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Японияда суд ишларида жиноятчиликнинг олдини олиш ва турли ҳукуқбузарликларга қарши курашни ўз мақсади этиб белгилаган жамоат

¹ Морозов Н. А., Коидзуми Е. Преступность. Уголовная политика. Уголовное право Японии. // Актуальные проблемы юридической науки и практики в условиях становления в России правового государства. Мат. XXXVIII научной конференции ДВГУ, Владивосток, 29-30 апр. 1996 г. - Владивосток: Изд. гр. «ВИТ», 1997, с. 38-40:

бирлашмалари (“Катта ака ва сингиллар” Кенгаши, қўшничилик қўмиталари, ота-оналар ассоциациялари) муҳим роль ўйнайди.

Япония суд тизимини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қўллаш учун қўйидаги *таклифларни* келтириб ўтишни лозим деб, ҳисоблаймиз:

1. Суд органлари фаолиятида судларнинг мустақиллиги принципини янада кенгроқ амалга ошириш учун, Ўзбекистон Республикасида ҳам Япониядаги каби судьяларнинг конституциявий фаолият муддатини беш йилдан 10 йилгача ошириш лозим;

2. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жазо тайинлаш ҳамда оилавий низолар юзасидан суд қарорларини чиқариш мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ҳам Японияда бўлгани каби оила судлари тузиш лозим;

3. Японияда бўлгани каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам судьяларни лавозимларга тайинлагандан сўнг маълум бир вақтгача(камида бир йил) синов муддати белгилаш лозим;

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон фақатгина жиноятларнинг очилганлиги эмас, балки Японияда бўлгани каби жабрланувчилар сони, етказилган моддий заарлар, жиноятни фош қилишда жамоат бирлашмаларининг иштироки бўлмоғи лозим;

5. Ўзбекистон Республикасида одил судлов принциплари қаторига Японияда бўлгани каби, “жазоларни иқтисод қилиш принципи” ни киргизиш лозим. Унга қўра, маслани ҳал қилиш учун шахснинг ҳуқуқларини минимал даражада чеклаш етарли бўлса, ундан ортиғини қўллаш қонун билан таъкиқланади.

Ҳозирги кунда суд-ҳукуқ тизимини такомиллаштириш бўйича олдимизда турган асосий масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга

ошириш дастури тўғрисида” 2005 йил 10 мартадаги N ПҚ-24 сонли қарорида белгилаб берилди. Ушбу Қарорга мувофиқ суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришда асосий эътибор қўйидагиларга қаратилди:

- ушлаб туриш, қамоққа олиш олиш, шунингдек бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш;
- жазолар тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш ва уни умрбод қамоқ ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштириш;
- суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жавобгарлигини ошириш;
- тадбиркорлик, бизнес ва хусусий секторга нисбатан совет даридан мерос бўлиб қолган эскича қарашлардан бутунлай вос кечиш. Уларнинг манфаатларини химоя қилишни таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларига зарар етишига йўл қўймаслик, уларнинг манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий майдон, имтиёзлар ва кафолатлар тизимини яратиш.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш бўйича юқорида келтирилган масаларни ўрганиш, қонунчилик лойхаларини тайёрлаш учун тан олинган урф одатларимиз, анъаналаримиз билан бир қаторда бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганиш объектив зарурият ҳисобланиб, алоҳида аҳамият касб этади.

Тарихдан бизга маълумки, кўпгина давлатлар ўз миллий қонунчилигини шакллантиришда ўз маданияти, урф-одатлари ва анъаналари билан бир қаторда хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳам кенг фойдаланганлар.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини мустақиллика эришгандан кейин ташкил қилиш муаммоси ўта кескин тусга эга. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзга чиққан Президент: «Ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар ўтказиш шароитида, эски ва янги қаттиқ курашишда бизга кучли ҳокимият

зарур. Буни ҳар қадамда ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Бизга яхши тайёргарлик кўрган, янгиликлар киритадиган бошқарув аппарати керак”¹.

Шундай давлат бошқарув органи ва суд органларини ҳосил қилишда хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон жаҳон ҳамжамияти давлатларнинг бир-бири билан ўзаро интилиши ва яқинлашуви кучаяётганлиги ва глобаллашув жараёнлари билан ажралиб туради. Замонавий маданиятлар фақатгина ўзлари билан ўзлари бўлиб, бошқалар билан ўзаро муносабат ва алоқалардан, демакки, бир-бирларини ўрганишдан, ўзларини четга торта олмайдилар. Бугунги кунда ижтимоий ва сиёсий жиҳатлардан турлича бўлган, лекин шу билан бирга кўп томонлама бир-бири билан ўзаро боғланган яхлит дунё шаклланмоқда. Бундай бирлик ва халқаро боғлиқлик ва унинг муқаррар равишда ўзаро яқинлашуви ҳозирги хуқуқий тизимларнинг қиёсланиши асосида ётади.

Ўзбекистон миллий хуқуқий тизими муаммоларини ўрганишга қаратилган ихтисослаштирилган тадқиқотлар хорижий хуқуқий институтларининг ижобий юридик тажрибасини ўрганиш билан қўшиб олиб борилмаслиги ҳеч қандай самара бермаслиги бугун маълум бўлди. Ўз вақтида ҳорижий давлат ва хуқуқни уларнинг барча ранг-баранг кўринишида тадқиқ ва қиёсий таҳлил қилишни бутунлай тўхтатиб қўйилишида «космополитизмга қарши кураш компанияси» айниқса салбий роль ўйнаган. Натижада, бу икки бир-бири билан узвий боғланган хуқуқий тадқиқотлар миллий хуқуқнинг ички муаммоларини ечишда деярли туташмаганлар².

Ҳолбуки, ҳаёт қиёсий хуқуқшуносликни унинг ҳозирги тушунишда – чет эл хуқуқининг ҳам умумий қонуниятлари ва ҳорижий мамлакатларда бугунги хуқуқшуносликнинг хусусиятларини, асосий хуқуқий оиласлар ва айрим миллий хуқуқий тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга

¹ Каримов И.А.Ўзбекистонинг иқтисодий-ижтимоий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон. 1995. - 78-бет.

² Саидов А.Х.Ҳозирги замон асосий хуқуқий тизимлари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т., 2004. - 23-бет.

қаратилган ихтисослаштирилган тадқиқотлар ҳамда қиёсий ҳуқуқшунослик ёрдамида сиёсий-ҳуқуқий ўзгаришлар, кун тартибига қўйилган айниқса, демократик ҳуқуқий давлатни ваadolатли фуқаролик жамиятини шакллантириш муносабати билан, чет эл тажрибасини ва муайян давлат-ҳуқук масалаларини ечиш бўйича умумий тажрибаларни ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Айниқса, бу тадқиқотлар Япониядек ривожланган давлатнинг суд тизимиға оид бўлар экан, унинг илмий ва амалий аҳамияти ниҳоятда бекиёсdir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистонинг иқтисодий-ижтимоий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон. 1995. 78-бет
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.31-262.
3. Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигига. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиядаги маъруза. 2001 йил 29 август. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 26-53.
4. Каримов И.А. Биз танланган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 456 б.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январ. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2005. – 64 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. - Т.: Ўзбекистон, 2005. – 226 б.
7. Каримов.И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т.Ўзбекистон. 2005.188-бет
8. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатлари-олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 13 йиллигига бағишлиланган тантанали маъросимда қилган маъруzasи. //Халқ сўзи. 2005 йил 10 декабрь.
9. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустахкамлаб, янги маралар сари изсчил ҳаракат қилишимиз лозим. 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисдий ислоҳатларни

чуқурлаштиришнинг энг устивор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маъruzаси. //Халқ сўзи. 2006 йил 11 февраль.

10.Каримов.И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи, 2006 й. 8 дек.

II. Норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 14 декабрь. -Т.: Адолат, 2001. – 210 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004. – 624 б.

4. “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартағи ПК – 24-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил, № 1. 203 - модда.

5. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида 2005 йил 1августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3641 сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2005йил. 30-31 сон, 223-модда.

6. “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғриси”да 2005 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3644 сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2005йил. 32-33 сон, 242-модда.

7. Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2001 йил 8-сон. – 110 б.

8. Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2001 йил 8-сон. – 110 б.

9. Судьяларнинг малака даражалари тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2001 йил 8-сон. – 110 б.
- 10.Хасэгава Масаясу Нихон-Но Кэмпо (Японская Конституция). - Токио 1977.
- 11.Уголовный кодекс Японии. Пер. с японского В.Н. Еремина. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002.

III. Махсус адабиётлар

1. Абдумажидов.Ғ. ва бошқ. Ўзбекистонда суд ҳокимияти ислоҳотлар даври. - Т.: Адолат. 2002.
2. Абдураҳманов Қ.Х. ва бошқалар. Япония: сиёсати, иқтисодиёти, маданияти. -Т.: Турон-Иқбол, 2006.
3. А.Абзалов Обеспечения прав потерпевших (жертв преступления) в уголовно - процессуальном законодательстве Японии // Давлат ва хуқуқ.- 2004. -№4, -С. 69-71
4. Адилхожаева С.М. Япония: государственность, развитие, перспективы. // Давлат ва хуқуқ. - 2004. -№4, - С. 66.
5. Алламуратов А.Т, Нарзиев Й.Ш. Хорижий мамлакатлар суд тизими. Ўкув қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2006.
6. Безнасюк А.С., Рустамов Х.У. Судебная власть. Учебник для ВУЗов. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002.
7. Вагацума Сакаэ, Ариидзуми Тору. Гражданское право Японии: В 2-х кн. /Пер. с яп. Батуренко В.В. Под ред. и со вступ. ст. Халфиной Р.О. - М.: Прогресс, 1983. Кн.1-2. С 19
8. Вафоқулова Н. Японияда давлат хизматчиси. // Қонун ҳимоясида, - 2001, - №2 - 41-бет
9. Давид Р. Основные правовые системы современности: Пер.с франц. В.А.Туманова. М., 1996.

10. Додонов В.Н. Прокуратуры стран мира. Справочник./Под общей научной ред. проф. С.П. Щербы. М.: Юрлитинформ, -2006.
11. Еремин В.Н. Политическая система современного японского общества. - М.: Наука, 1992.
12. Железняк О. Н. Практика применения смертной казни в Японии. - Право и политика, 2001, - №3, -С. 62-69.
13. Исломилов Б. Правовая регламентация организации и деятельности судов: зарубежная конституционная практика // Давлат ва ҳукуқ. - 2004. -№4. - С. 67-69
14. Иванов А. М. Организованная преступность и борьба с ней в Японии / Науч. ред. В. А. Номоконов; - Владивосток: Изд-во Дальневосточного ун-та, 2000.
15. История государства и права зарубежных стран / Под ред. Жидкова О.А. и Крашенинниковой Н.А. Часть 1. - М., 1999.
16. История Японии. Учебное пособие. В 2-х томах. Т.1. - М.: РАН. Ин-т востоковедения, 1999.
17. Мещеряков А.М. Император Мэйдзи и его Япония. - М.: Наталис, 2006.
18. Морозов Н. А. Сравнительно-правовой анализ преступности в современной Японии. / Науч. ред. проф. Р.И. Михеев. - Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 1997.
19. Морозов Н. А., Коидзуми Е. Преступность. Уголовная политика. Уголовное право Японии. // Актуальные проблемы юридической науки и практики в условиях становления в России правового государства. Мат. XXXVIII научной конференции ДВГУ, Владивосток, 29-30 апр. 1996 г.- Владивосток: Изд. гр. «ВИТ», 1997. - С. 38-40.
20. Оваселюк А.М. Иностранные конституционные права. Политические институты и конституционное право Японии. - М., 1996.
21. Пиляева В.В. Гражданское и торговое право Японии (в юридических конструкциях, понятиях, схемах и таблицах). - М., 2001.

22. Рахманова С.М. Судебные системы зарубежных стран. Учебное пособие. - Т.: Адолат, 2005.
23. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик. - Т.: Турон иқбол, 2007.
24. Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник). - М.: Юр.лит. 1993.
25. Сайдов А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т., 2004.
26. Те И. Б. Проблемы назначения, исполнения смертной казни и других видов уголовного наказания по законодательству современной Японии: Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.ю.н.. -Владивосток, 2005.
27. Тойноби А. Д. Достижение истории. М., 1995.
28. Уголовное право Японии. //Уголовное право зарубежных государств. Общая часть. М. , Омега -Л., 2003 С253
29. Уголовное законодательство зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии, Японии): Сб. законодательных материалов. - М.: Зерцало, 1999.
30. Халиков К.Х. Судебные реформы в Центральноазиатских странах. Учебное пособие. – Т.: Турон-иқбол, 2006.
31. Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлати) ҳуқуқи: ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: доцент Д.Қ.Ахмедов. –Т.: ТДЮИ, 2006.
32. Йуноэ Инако Современное право Японии. - М.: Наука, 1981.